



Абдулла

Орипов

Кўзтумор



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2005

84(54)6-5

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг ушбу шеърӣ китобидан кейинги йилларда ёзилган шеърлар, шунингдек 1985 йилда ёзилган «Ўзбеклар» достонидан дебоचा ўрин олган. Шоирнинг чуқур инсоний, фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлари Сизни хушнуд этади, деган умиддамиз.


W 31321
1

О – 68

Орипов, Абдулла.

Кўзтумор: Шеърлар/Абдулла Орипов. –

Т.: Маънавият, 2005. – 120 б.



ББК 84(5У) 6

О 4702620204 – 12
М25(04) – 05

© «Маънавият», 2005

* * *

*Бир қарасам, дўсту ёрдан кўнглим тўқдай,
Бир қарасам, атрофимда ҳеч ким йўқдай.*

*Бир қарасам, суянчиқдай болаларим,
Бир қарасам, улар синиқ лолаларим.*

*Бир қарасам, бу дунёда бахтим бордай,
Бир қарасам, буткул олам менга тордай.*

*Бир қарасам, муродимга етгандайман,
Бир қарасам, кўзим очиқ кетгандайман.*

*Бир қарасам, шон-шуҳратга йўғрилганман,
Бир қарасам, эндигина туғилганман.*

ЎЗБЕКЛАР

Ушбу шеърий манзумани дoston қилиш ниятида 1985 йилда ёза бошлаган эдим. Қандайдир йўллар билан мақсадимдан хабар топган юқори идоранинг бир вакили: «Ўзбеклар» деган дoston ёзаётган экансиз, дарҳол тўхтатинг», деди. Ўзим қатъиятсизлик қилдимми, ўша гапдан ҳафсалам пир бўлдими, хуллас, асар бошланганича битмай қолиб кетди.

Яқинда бисотимдаги ёзувларни кўздан кечираётганимда ўша қўлёзманинг тайёр саҳифалари чиқиб қолди.

Мен дostonни давом эттиришим ҳам мумкин эди. Сюжети ҳамон хаёлимда. Бироқ уни шу ҳолича, қалам урмасдан чоп этишга қарор қилдим. Бунинг сабаби шундаки, асардаги ўша ниятнинг асл ечимини олти йил ўтгач, тарихнинг ўзи ҳал қилиб берди.

*Муаллиф
2004 йил, 26 ноябрь*

Холиқ самовотдан сочарди зиё,
Тунлар юлдузлардан фонус ёқарди.
Ўзин ижодига Ўзи маҳлиё,
Заминга юксакдан хушнуд боқарди.

Кўринар булутга чулғашиб бошин
Чашмаси қайнаган қиррадор тоғлар.
Уммонлар уфққа ёзган қулочин,
Саҳролар беадад, чексиз ўтлоқлар.

Юз рангда товланган камалак узра
Жайрон уюрлари кўринарди гоҳ.
Тенгсиз бу ҳолатга тўймасдан сира
Яратганнинг ўзи ташларди нигоҳ.

Нечун қувонмасин Буюк ирода —
Бунёд эта олди олий уйғунлик.
Ўзини ҳар қайда этди ифода,
Дарёда шиддату тоғда турғунлик.

У гоят шод эди: ҳаммаёқ сокин,
Осойиш яйрарди бандалар хуррам.
Бўлиқ замин узра кун кўриб, локин
Унутмас эдилар самовотни ҳам.

Шундоқ тотув эди Инсон фарзанди,
Иблис кутқусидан ҳозирча йироқ.
Холиқни шу нарса мамнун этганди,
Уни тинчлантирган шу эди кўпроқ.

Ҳарир булутларнинг ортидан бир кун
Холиқ тағин пастга ташлади назар.
Тубанда қўш дарё оқарди дуркун,
Тоғларнинг бошида ялтирарди зар.

Кўркам водий эди — жаннатдан парча,
Қайси бир хуш соат яралган Ватан.

Чинорлар фалакка бўйин чўзганча
Абадий бир умр сўрарди Ҳақдан.

Тириклик шаънига айтиб қасида
Безавол кечгандек бу ерда замон.
Ва лекин водийнинг қоқ ўртасида
Ғужгон қайнар эди уч тўп оломон.

Икки тўп келарди иккала ёқдан,
Ногоҳ бир-бирига ташланар эди.
Учинчиси эса боқиб узоқдан
Ғижларди, талотўп бошланар эди.

Сал ўтмай қай бири ғоятда юзсиз
Авлод-аждодларни этарди бадном.
Охир чидаёлмай уч тараф тигиз
Муштлашиб кетарди бесўз, бекалом.

Тамом ҳайрат ичра қолди Биру Бор,
Қайта-қайта боқди булутни серпаб.
Бу қандай синоат? Бу қандай асрор?
Унинг паноҳида бу қандайин гап?

Сокин ва осойиш бу гўзал маъво
Наҳот торлик қилиб қолмиш дафъатан?
Қутқу бошладими унда Иблис ё?
Қандайин юртдир бу? Қай эл? Қай Ватан?

Қай бир армон боис — нотинч у букун,
Қандайин муҳтожлик этмиш уни хор?
Холиқ ғоят дилгир, ғоятда забун,
Шаҳодат дафтарин очди боякбор.

Унда битилганди: «Аҳли дунёга
Бердим иқтидору насибаю ком.
Қўш дарё ораси — ушбу маъвога
Ато этдим яхлит Ўзбек деган ном.

Уммон бермадим-у, кўнгли тўлсин деб
Бердим ушбу элга уммондай юрак.
То абад заминда бахтли бўлсин деб
Идрок бердим унга ва толмас биллак».

Холиқ дафтарини ёпди кўп дилгир,
Коинот жо бўлган кўксида яра.
Тубанга бўйлади тагин бесабр,
Ҳануз ўша ҳолат, ўша манзара.

Чуввос солар эди уч тараф, уч ёқ,
Ҳар тўпнинг бошида битта сардори.
Шундоқ ҳукм қилди ахийри Халлоқ:
Бу — аршдан қувилган Иблисининг кори!

Губордай тўзмасин бу ажиб маскан,
Тупроққа қормасин эллар бир-бирин.
Чора ахтарарди энди Яратган
Тинчлантирмоқ учун ўзбеклар ерин.

Охир Холиқ келди шундоқ қарорга:
«Иблис қудратимни, майлига, билсин.
Бир зот жўнатайки мен бул диёрга,
То у Ўзбек элин бус-бутун қилсин».

1985 йил

ҲАММА ГАП ШУНДА...

Ёшинг олтидами ёки олтмишда,
Майли, қай иш билан машғулсан, бандсан.
Қайси кенгликдасан, қай муюлишда,
Барибир Ватанга фарзандсан.

Барчага бағрини очар шу Ватан,
Мунаввар кундузу қоронғу тунда.
У сени фарзанд деб олгаймикан тан?!
Ҳамма гап шунда.

2001 йил, 23 март

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Ўн гулингдан бир гулинг очилмаган дердилар,
Йўлларингга сочқилар сочилмаган дердилар.
Ўн гулинг ҳам чарақлаб очилди-ку, оҳ, юртим,
Йўлларингга зар-кумуш сочилди-ку, оҳ, юртим.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Айтмасинлар ғанимлар, кимларгадир зор бу юрт,
Буюк Соҳибқирони, Алишери бор бу юрт.
Аллоҳ ўзи етказган инъомини асрагай,
Туғросини, тахтини, Исломини асрагай.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

Кел, азизим, ёнимга, юлдузмисан, оймисан,
Ўзбегимсан ҳамиша, юпунмисан, боймисан.
Ватандошим, шу тенгсиз Ватанни куйлашайлик,
Замон келди, бизлар ҳам дунёга бўйлашайлик.

Ўзбекистон – ягона Ватан учун яшайлик,
Ватан ичра бу гўзал чаман учун яшайлик.

2001 йил, август

САҲАРЛИК

Рўза кунларида бизнинг уйда ҳам
Ўчмасди тонггача тоат чироғи.
Ибодат қиларди отам ва онам,
Мен ҳам уйғонардим саҳарлик чоғи.

Мўъжаз дастурхонда шукрона таом:
Битта чалпак нону майиз ё ўрик.
Саҳарлик жимгина этарди давом,
Буларнинг барига мен ҳам бир шерик.

Йиллар ўтиб кетди, энди мен учун
Армон у кунларнинг ҳар бир фурсати.
Ўша азизларим... улар йўқ бугун,
Битган улар учун рўза муддати.

2001 йил, 20 ноябрь

ОГОҲЛИК

Кимдир бошқаларга тилар омонлик,
Кимдир соғинади фақат ёмонлик.
Бир қарасанг ўхшаш рангу рўйлари,
Бироқ тамом бошқа фикру ўйлари.

Сиртдагисин кўриб турибсан ҳар он,
Ичдаги олангдан огоҳ бўл, инсон!

2001 йил, декабрь

ОТА ВА БОЛА

Ота дер: — Алдама сен мени, болам,
Барча қилмишингни сезиб юраман.
Агар қуйилмасанг мендан кейин ҳам,
Билиб қўй, гўримда тикка тураман.

Бола дер: — Отажон, мени биласиз,
Бирга давру даврон сура беринг-да.
Ўша қора гўрда нима қиласиз,
Мана, уйда тикка тураберинг-да.

2001 йил, декабрь

ВАТАНДОШ

Магар бир лаганда ош еган билан,
Ёки битта тилда сўз деган билан,
Улар ҳали буткул ватандош эмас.

Тўғри келса агар дили дилига,
Садоқати бўлса туққан элига,
Улар ватандошдир ҳар зум, ҳар нафас.

2002 йил, 2 январь

ЭЪТИРОФ

Ҳар ким ўз умрини қилса сарҳисоб,
Турфа ҳодисалар тушгай ёдига.
Кимдир ариқ қазган ё чалган рубоб,
Ҳар ким баҳо бергай ўз ҳаётига.
Турфадир дунёнинг ҳатто озори,
Шодлиги ҳам турфа қадимдан-қадим.
Мен ҳам шеърлар ёздим кўплар қатори,
Лекин бошқалардан кўпроқ... алдандим.

2002 йил, 2 январь

* * *

Р. Бобожонга

Муҳаббат ҳиссини асрамоқ учун
Иморат шарт эмас, макон шарт эмас.
Синамоқ бўлсанг гар муҳаббат кучин
Вақт-соат шарт эмас, замон шарт эмас.

Ўтли муҳаббатни куйлабсиз тўлиб,
Бир Лайли ёдининг Мажнуни бўлиб.
Уни ҳеч битта куч ололмас юлиб,
Ҳатто, таърифлашга забон шарт эмас.

2002 йил, 11 январь

БУ ЮРТНИНГ...

Тулпорлари, тойлари бор бу юртнинг,
Ботмайдиган ойлари бор бу юртнинг.
Кечани ҳам кундуз каби ёритган
Шўртандайин жойлари бор бу юртнинг.

Муроддулла, Динора, Гулузори,
Нуриддиндек ҳеч кимга йўқ озори.
Эртаю кеч қизиб турган бозори,
Ориятли бойлари бор бу юртнинг.

Бу диёрнинг Кеши бор, Насафи бор,
Темурбекнинг ўчмаган нафаси бор.
Тарихига дунёнинг ҳаваси бор,
Ҳеч қуримас сойлари бор бу юртнинг...

2002 йил, январь

ЁЗГИН, ДЕДИЛАР


Шоир бир шеърида куйлади гулни,
Уни ўқиганлар: – Такрор! – дедилар.
Яна бир шеърида ёзди булбулни,
Уни ҳам: Бу – эски ашъор, – дедилар.

Шоир кунларини улади тунга,
Борлиқни васф этиб, айлади хониш.
Парво қилмадилар барибир унга,
Дедилар: – Бу гаплар барчаси таниш.

Шоир шеър тўқиди севгига доир,
Гўё муҳаббатнинг ўтли бахшиси.
Дедилар: – Буни ҳам, эй ошиқ шоир,
Ёрингнинг ўзига ўқи, яхшиси.

Наҳот одамларда сўнган ақида,
Наҳот шеър йўлидан озгин, дедилар?
Шоир шеър ёзганди Она ҳақида,
Ёзабер, дедилар, ёзгин! – дедилар!

2002 йил, март



ТЕРМИЗИМ

Сен қуёш шаҳрисан, нурли бўстоним,
Ватан сарҳадида қадим қўрғоним,
Аждодлар зиёси — илму урфоним,
Сен шонли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёримнинг фахри — Термизим.

Минг йиллик карвонлар изи сенда бор,
Боболар каломи мозийдан ёдгор,
Алпомиш қудрати бўлсин мангу ёр,
Сен шонли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёримнинг фахри — Термизим.

Бахшилар созида янграр истиқлол,
Полвонлар ҳамиша курашда ҳалол,
Хур Ватан бағрида топдинг сен камол,
Сен шонли тарихим, ҳеч ўлмас сўзим,
Она диёримнинг фахри — Термизим.

2002 йил, март

МУҲАББАТ

Ҳар мўмин дилида бир орзу фақат,
Ҳар дамда ўйида қиёмат куни.
Оллоҳ гуноҳларин қилиб мағфират,
Зора нойил этса жаннатга уни.

Тунлари мени ҳам чулғайди хаёл,
Ўзинг ёрлақагин мени ҳам, ё Рабб.
Сенинг жамолинг-ку энг олий висол,
Ва лекин раҳм этгил ҳолимга қараб.

Менинг ҳам тилагим ол инобатга,
Қовуштир орзулар олами билан.
Расулulloҳ демиш: киши жаннатга
Киргайдир севимли одами билан.

1992 йил

САНЪАТИМ

Бастакор Мутал Бурҳонов хотирасига

Ўлмагай жисмимдаги жон, санъатим,
Тоабад қалбимда иймон, санъатим.

Икки дунё мулки бирла тенг ўзинг,
Менга ҳам бўлдинг шараф-шон, санъатим.

Гоҳ Навоий, гоҳ Хайём, гоҳ Ҳофиз
Жўр бўлишди сенга гирён, санъатим.

Фунчага хор ҳеч тараҳҳум қилмади,
Ҳар табассумингда исён, санъатим.

Ўтди умрим, ёр дедим, ёлғиз сени,
Зурриёдим — дилда армон, санъатим.

Сен улуғ юрт мадҳи бўлдинг, минг шукр,
Тўлди шавққа еру осмон, санъатим.

Рози бўлгил, мен Мутал Бурҳон эдим,
Ёдга ол, жон Ўзбекистон, санъатим.

2002 йил, июль

БУ ЙЎЛЛАР

Боши, охири бор ҳар қандай йўлнинг,
Бу йўлларнинг эса адоғи бўлмас.
Эзгу ниятларга ошно ҳар дилнинг
Йўлини Аллоҳим ўзи бергай, бас!

Бу йўллар таратгай Ўзбекнинг шонин,
Неча манзилларда машъал ёққайдир.
Бу йўллар... Айланиб ҳали, дунёнинг
Чаккасига гуллар таққайдир!

2002 йил, 23 август

ЯХШИ ОДАМ

Бир кун донишмандга бердилар савол:
Айтинг-чи, дунёда яхши одам ким?
Севиб ардоқласа элу юрт хушҳол,
Чиндан яхши одам ўшадир балким?
Донишманд дедики: – Майли, ҳар ким ҳам
Яхши бўлгум дея ҳар зум уринсин.
Майли, яхшиларга ёқсин у одам,
Лекин ёмонларга ёмон кўринсин!

2002 йил, август

ЧАЛА ИМОРАТ

Оғзин очиб ётар чала иморат,
Атрофи ўраю тошдан иборат.

Ҳар ён чакалакзор, бурган ва янтоқ,
Остона ўйилган, узилган равоқ.

Хотирами дейсан у қаттол жангдан,
Ё ёдгор асрлар қолдирган чангдан.

Қора туйнукларда увиллар шамол,
Қамиш том гижирлар маҳзун, бемажол.

Баҳор, ёз ўтади, ҳануз у чала,
Каламушлар гуж-гуж, қушлар ҳам гала.

Ташландиқ бу уйнинг соҳиби кимдир?
Ё фалак! Бу ҳолнинг сабабин билдир!

Бир қуш ярим тунда беради садо,
Саволимга жавоб қилгандай гўё:

– Не керак гапингнинг нега, негаси,
Ё шоир, ё марҳум бунинг эгаси.

2002 йил, август

ЗИЁРАТ

Бобо набирасин етаклаб бир кун,
Қабристонга борди зиёрат учун.

Марҳумларга тилаб ажру ҳаловат,
Бобо тиз чўкканча қилди тиловат.

Набира сўради: — Бобо, булар ким?
Бобо жавоб қилди: — Яхшилар, ўғлим.

Набира дафъатан сўз қотди шу он:
— Ёмонларнинг қабри қайда, бобожон?..

2002 йил, август

ИЛТИЖО

Ғоятда чарчадим,
Толиқдим ғоят,
Ҳисоб қилавериб ғанимни, ёвни.
Тирноқча яхшилиқ тиласанг, фақат,
Ука, ёмонлама менга бировни.

Инсон яшар ахир эзгуликка зор,
Санаб етарми у йўлларда ғовни.
Мен ҳам ором олай ҳеч қурса бир бор,
Ука, ёмонлама менга бировни.

2002 йил, август

ОСОН ЭМАС

Яшаш осон эмас яхши одамга,
Алдов нималигин билмайди чунки.
Гўдак кўзи билан боқар оламга,
Мудом бошқаларга бўлади кулки.
Яшаш осон эмас яхши одамга,
Чунки ёмонликдан қилар у ҳазар.
Яхшининг кераги камдир оламга —
Ёмонларнинг дасти узун бўлса гар...

2002 йил, август

РИВОЯТ

Бир кун халойиқнинг олдида ошкор
Муттаҳам ўғрининг қўлин чопдилар.
Ниҳоят жазосин олди-ку маккор!
Йиғилган одамлар таскин топдилар.
Ўғри-чи, атрофга боқиб ҳар нафас,
Сизнинг гўллингиз билгандим, дерди.
Ўша ўғирликни у қўлим эмас,
Буниси билан мен қилгандим, дерди.

2002 йил, август

ҚЎМСАШ

Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз энди боламнинг ўйисиз.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз энди набирам тўйисиз.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз энди эртага саломим.
Оҳ, яхши кунларим,
Сизни қўмсайман.
Сиз балки қолажак каломим...

2002 йил, август

БЎЛДИЛО

Дедим: Ёшлигимни қайтиб бер, замон,
Деди: У гулларинг пайҳон бўлдило.
Дедим: Тик қилсанг-чи қаддимни, даврон,
Деди: У тоғларинг сайҳон бўлдило.

Фалакка етмади чеккан унларим,
Тийра кундузларим, қора тунларим,
Бахтиёр, беармон кечган кунларим
Энди тутқич бермас жайрон бўлдило.

Йиллар жароҳатин борми давоси,
Бормикан Луқмони, борми Синоси.
Муҳаббат мулкининг нозик биноси
Ҳижрон сели ила вайрон бўлдило.

Бахтга зор бўлсам-да куйладим бахтни,
Саробга термулиб, бой бердим нақдни.
Гоҳида сомондек совурдим вақтни,
Кўрганлар тамоми ҳайрон бўлдило.

Сув излаб, қумларга дуч келдим баъзан,
Мадад беролмадим дўстга дафъатан.
Ёвларим қуршади мисоли тикан,
Не-не орзуларим армон бўлдило.

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,
Гоҳида шошилдим, шошилтирдим гоҳ,
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.

2002 йил, сентябрь

АДОЛАТ КЎЗГУСИ

Ўлтирган жойингда сакрайверма, бас,
Жимгина ором ол топган аршингда.
Қанча буюкликни қилмагил ҳавас,
Адолат кўзгуси турар қаршингда.

Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,
Гарчи тенг қошида чинордир, хасдир.
Пушкин аталмагай ҳар битта қурбон,
Ҳар бир қамалган ҳам Чўлпон эмасдир...

2002 йил, сентябрь

ЮПАНЧ

Бечораман, дея ўкинма, иним,
Сенга ўхшаганлар дунёда бисёр.
Бир парча нон учун, ўтсин деб куним,
Томирдан қонини бергувчилар бор.

Бахтиёр зотлар ҳам мавжуддир, бироқ,
Улар ҳам тириклик оворасидир.
Зимдан назар солсанг, шу ер — думалоқ —
Асли бечоралар сайёрасидир.

2002 йил, сентябрь

ҒАЛАТИ МАНТИҚ

Ажал келса не дийдалар
Ёшланади.
Хонадонда ғам-ташвишлар
Бошланади.
Қабристоннинг ғалвасин-ку
Қўятуринг.
Зудлик билан кўчасини
Қайта қуринг.
Анов эски симёғочни
Бўяш керак.
Кесинг дарров, кўринмасин
Манов терак.
Ўйдим-чуқур йўлларни тез
Асфальт қилинг.
Жанозага ахир кимлар
Келар, билинг!..
Бундай чоғда ҳамма тотув,
Эш бўлади.
Бир кечада ҳамма ишлар
Беш бўлади.
Воқеалар бирданига
Эврилсайди.
Шўрлик марҳум бир фурсатга
Тирилсайди.
Кўрар эди, маҳалласи
Нечоғ тўкис.

Кўчаси ҳам бинойидек,
Равон, текис.
Ҳолбуки, у шу йўллардан
Ўтганди-ку.
Қиш-қировда автобус ҳам
Кутганди-ку.
Босим ошиб, кўзлари ҳам
Тинган эди.
Яхда тойиб, оёғи ҳам
Синган эди.
Йўл тузалди, бироқ марҳум
Юрмай кетди.
Тиригида бу ҳурматни
Кўрмай кетди.
Гапларимдан бошқа маъно
Ахтармангиз.
Йўқни бору, борни йўқ ҳам
Деманг ҳаргиз.
Бундай ҳолга на йиғлаб, на
Кулиш керак.
Наҳот бир иш битиш учун
Ўлиш керак.

2002 йил, декабрь

ОЛЛОҲНИНГ ИШЛАРИ

Оллоҳим гоҳида болага ўхшаш,
Шўхликни ёқтирар, ўйинқароқдир.
Тоғларга қарасанг — келгудай тўқнаш,
Аслида йироқдир, жуда йироқдир.

Гоҳида томоша қилай деб Халлоқ,
Бировнинг юмушин бошқага бергай.
Чунончи, бир эркак бўйса тирноқ,
Хотини ҳовлида гувала тергай.

Ҳазили оғир ҳам бўлар гоҳи дам,
Шодликка эш қилиб юборар кулфат.
Агар бир шаҳд қилса Яратган Эгам,
Арслонга шоқолни айлагай улфат.

Кимнинг ўз уфқида иқболи кулса,
Масхара бўлмайди ўша ягона.
Менга амалдорлик қанча ёт бўлса,
Сенга шоирлик ҳам шунча бегона.

2003 йил, 16 февраль

ЯХШИЛИК

Бу ёруғ дунёда даврини суриб,
Бировга яхшилик қилмаганлар бор.
Ва лекин бир умр яхшилик кўриб,
Унинг нималигин билмаганлар бор.

Оғир дард чеккандим мен ҳам бир замон,
Бегона элларда, дўстлардан йироқ.
Мадад берган эди улуғ бир инсон,
Мен унинг сиймосин унутаё қандоқ.

Ярқираб турибди кўксингда юлдуз,
Осмондан тушмаган у ҳам, ҳойнаҳой.
Кимдир сен ҳақингда айтди яхши суз,
Шундан кўкрагингда юлдуз топди жой.

Дейдилар, дунёнинг доим бири кам,
Яхшилик қилиш ҳам осонмас бироқ.
Менинг назаримда, яхшиликдан ҳам,
Унинг қадрин билмоқ минг бор яхшироқ.

2003 йил, 16 февраль

ЯПОН ОҲАНГЛАРИ

ЯПОН

Бошимда дўппию эгнимда чопон,
Меҳмон бўлиб келдим мен сенга, япон.

Саке¹ шаробингдан бир қултум ютдим,
Оролдан оролга сакрадим, утдим.

Японча салом бу – қаддим – токи ё,
Сенга эҳтиромим бўлсин, Токио.

Сайр этдим Киото кўчаларида,
Ўй сурдим ёмғирли кечаларида.

Қадрдон кўриндинг менга чиндан ҳам,
Камтарин тоғамдай ё мушфиқ холам.

Ихчам қадамларинг, қисик кўзларинг,
Бунча дилга яқин ўғил-қизларинг.

Сира парво қилмай ўтар умрга,
Жон бериб турибсан тошга, темирга.

Рулсиз машинада асра омонда,
(Ҳайдовчи ўлтирар бошқа томонда.)

Сўрайман ўртага қўйиб виждонни:
Сен қандай забт этдинг буткул жаҳонни?

Шеър ёзиб, гап сотиб турибман шу он,
Япон-чи, иш билан машғулдир япон!

2003 йил, июнь

¹ Саке – шаробнинг номи.

БУДДА

Тош ҳайкал. У – Будда, буюк пайғамбар,
Мафтун эта олган ярим дунёни.
Умматин жисмида мисли жон қадар,
Тош каби мустаҳкам Будда иймони.
Бахтлидир ким бўлса унга муносиб,
Япон кулбасида тутмиш у ватан.
Қандоқ келди экан, шунча йўл босиб,
У олис Сурхондан – Қоратепадан...

2003 йил, июнь

РУҲИЯТ

Қайдадир толиқиб, тин олар денгиз,
Ям-яшил қирларга чўка бошлар тун.
Сокин ҳаво узра таралар унсиз —
Япон оҳанглари маҳзун ва узун.

Ёмғир ёға бошлар — номсиз бир армон,
Руҳимга мўралар ўзга бир дунё.
Улар бари таниш... Балки бир замон
Мен ҳам япон бўлиб яшадимми ё.

2003 йил, июнь

ИБРАТ

Мендан япон ким деб сўрама, укам,
Ўзингча бежама ўз палагингни,
Агарчи юмалоқ эрур бу олам,
Дунё деб ўйлама ҳандалагингни.
Тақдирдан ўзгаси кўпинча ёлғон,
Ҳеч ким бўла олмас бахтнинг ўғриси.
Ўргатгани келмас дунёга инсон,
Ўргангани келар, тўғриси...

2003 йил, июнь

ОСАКАДА ЎЗБЕК ЧОЙХОНАСИ

(Тадбиркор ўзбек йигитига)

Осака шаҳрининг қоқ ўртасида
Ўзбек чойхонаси бунёд бўлмишдир.
Бетакрор маза бор ош, хўрдасида,
Тановул қилганлар кучга тўлмишдир.
Тандир гурилласа, ўт ёққан они,
Ахир қўзғатмайди кимнинг ҳавасин.
Кичкина қуёшдек ўзбекнинг нони
Қиздириб турибди япон ҳавосин.

2003 йил, июнь

«ЖЕНЕВА ДАФТАРИ» ДАН

ҚҰМИҚ БИЛАН СУҲБАТ

Йироқ Европага қилиб саёҳат,
Битта қўмиқ билан бўлдим ҳамсуҳбат.

У деди, мен кичик қўмиқ эрурман,
Балки олам аро мен йўқ эрурман.

Асло қизиқмасман сиёсат билан,
Бу юртда юрибман тижорат билан.

Гўзал Европага асло йўқ тараф,
Лекин бир сўз айтгум уларга қараб:

Ямоқни ямоққа улайди улар,
Одамгарчиликни билмайди булар.

2001 йил, декабрь

САЙЁҲЛАР

Балки сайёҳларга туюлар шундоқ:
Нафас олиш осон бу манзилларда.
Бир зум яйрар инсон бу манзилларда,
Ташвишлардан узоқ, ғамлардан узоқ.

Балки сайёҳларга туюлар шундоқ:
Ҳорғиндек бу ернинг одамлари ҳам.
Улар ҳам қайгадир кетсам дер ҳардам,
Ташвишлардан узоқ, ғамлардан узоқ.

2001 йил, декабрь

СЕВИШГАНЛАР

Хиёбонда кезар икки ёш ҳабаш,
Йигит пачоқ бурун, лаблари дўрдоқ.
Ёнида нозланар маъшуқа — маҳваш,
Оёқлари қийшиқ, тишлари сўйлоқ.
Дунёда хунукни изласанг агар
Булардан ортигин топмоғинг гумон.
Йигит севгилисин қучиб авайлар,
Қиз ҳам ошиғига боқар нигорон.
Ушбу манзарага боқдим-у, гўё
Бирдан қулаб тушди аршидан ғазал.
Қани у лайливаш — сарвиноз барно,
Қани у эр йигит — етук, мукамал.
Демишлар, нисбийдир ҳар қандайин ҳол,
Ҳар ким ўз севгиси учун сурингай.
Анов икковлонга, балки, эҳтимол,
Қолганлар беўхшов бўлиб кўрингай.

2001 йил, декабрь

ЖОНИБЕК

Набирамга

Шу яқин кунларда дунёга келган
Набирам бор менинг, Жонибек деган.

Унга совға излаб, кезиб ҳар ёқни,
Ола кетай дедим битта тойчоқни.

Женева кўлининг бўйида яшнаб,
Онаси билан у турарди кишнаб.

– Юр, тойчоқ, мен билан, Тошкентга кетдик,
Ўртоғинг бор сенинг, исми Жонибек.

Тойчоқ ирғишларди, кетдик, дер эди,
Бир чопсак Тошкентга етдик, дер эди.

Онаси-чи, боқар гўё ҳоли танг:
– Меҳмоним, бекорга хомтама бўлманг.

Дунёда энг хушнуд, бой чоғимдир бу,
Бу тойчоқ ўзимнинг тойчоғимдир бу!

Яхшиси, мен сизга берай маслаҳат,
Эшитинг, у сизга ёққайдир албат.

Митти Жонибекка биздан эҳтиром,
Тойчоқ деб атангиз уни. Вассалом!

2001 йил, декабрь

СОҒИНЧ

Учқур учоқлар ҳам дунёни кезиб,
Охир бир манзилга бориб қўнарлар.
Ёнилғисин олиб, режасин тузиб,
Сўнг бошқа элларга томон жўнарлар.

Масофасин билар ақча ҳам, тил ҳам,
Ўзгалар уларни кўзига илмас.
Фақатгина бир ҳис топмас ҳеч барҳам,
Фақатгина соғинч масофа билмас.

2003 йил, 7 июль

МАКТУБ

Она Ўзбекистон! Фарзандинг бу кун
Сенга йироқлардан мактуб йўллайди.
Жаҳон карвонида мақоминг бутун,
Иншоллоҳ, Яратган ўзи қўллайди!

Мен ҳам номинг айтиб дуода турдим,
Сен омон ўтгайсан жару ўрлардан.
Мен фақат қўрқаман, қўрқаман, юртим,
Ичингдаги турли балохўрлардан.

2003 йил, 8 июль

ТОЙЧОҚ

Женевада бордир ажиб бир тойчоқ,
Кўрсам, унут бўлган ҳисларим қайтар.
Менинг назаримда кишнаб у ҳар чоқ,
Жажжи набирамга саломлар айтар.

У дейди: — Мен ҳайкал шаклида беғам,
Юз йиллар ўзгармай бир хил тургайман.
Ҳали Жонибекнинг набирасин ҳам
Балки учратгайман, келса — кўргайман.

Сиз-чи, шоир бобо, йил сайин баттар
Маъюс тортмоқдасиз. Нимага? Нечун?
Ҳушингиз бўлмаса одамларга гар,
Келинг, бизлар билан сўйлашмоқ учун.

2003 йил, 8 июль

ҚОРА ЮРАК

Сайёд таъқибидан қочди бир оҳу,
Бир одам бу ҳолнинг гувоҳи эди.
Сайёд ҳар қанчалик солмасин қутқу,
У одам: – Оҳуни кўрмадим! – деди.

Ҳорғин бир йўловчи авжи иссиқ дам
Ўлар ҳолга келди, ғоятда ташна.
Дуч келган бир Инсон деди: – Бўл бардам,
Яна ўн қадам юр, булоқ бор, ошна!

Сен-чи, у оҳуга раҳм этмай, ҳатто
Ўзинг сайд этардинг, кўзин ёшлардинг.
Ташна йўловчилар ичмасин деб то,
Ўша булоқни ҳам кўмиб ташлардинг.

2003 йил, 8 июль

ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизмисиз дединг,
Ёлғизман дедим.
Сўнгра қўшиб қўйдинг:
Ёлғизман мен ҳам.
Мен-ку хор, бенаво
Бир инсон эдим,
Мендан ҳам бечора
Эқансан, жўрам.
Бас, маълум бўлдики,
Иккита хордан
Жамоа яралмас,
Яралмайди зўр.
Яхшиси, мен сендан
Сўрамай ёрдам.
Сен ҳам боравергил,
Ўз кунингни кўр!

2003 йил, 8 июль

МУСОФИР

Мусофир ўзи ким? То мавжуд жаҳон,
Бу лашкар ҳеч қачон камаймас, тўлмас.
Демишлар уни гоҳ мисли имтиҳон:
«Мусофир бўлмасдан мусулмон бўлмас».

Сайри саёҳат-ку мусофирга бахт,
Иzzату ҳурмат ҳам келгай қошига.
Ва лекин мусофир яшамоқ ҳеч вақт
Тушмасин ҳеч битта Инсон бошига.

Кимдир Ватан дея жўшса, ҳойнаҳой,
Бир ҳовуч тупроқни ўпса қалтираб,
У ўзин қўярга топа олмас жой —
Мусофир осмонга боққай мўлтираб.

Қабристон ёнидан ўтаркан секин,
Кўксидан узилар унсиз фарёди.
Ҳеч қурса бу жойда юпанч бормикин?
Бормикан бирови? Бирор аждоди?

Улар йўқ! Йўқ демак унинг ўзи ҳам,
Ҳеч ким уни кутмас, кузатмас биров.
Қадди тик бўлса-да мудом боши ҳам,
Унинг на дўсти бор, унга бор на ёв.

У-ку ўтказади умрин амаллаб,
Бундан ҳам аянчли кулфат бор аммо.
Ўз туққан юртингда кун кўриб, яшаб,
Мусофир бўлишдан асрасин Худо!
Лоқайдлик тегрангни олса гар қуршаб,

На муслим аталсанг, на осий кофир.
Боқса дўстларинг ҳам ётларга ўхшаб,
Билгилки, ўша кун сен ҳам мусофир.

Сен ҳам мусофирсан, мисли ёлғиз от,
Уюрга кирмасанг – ташландиқ бўлсанг.
Бир қултум сувни ҳам кўп кўрса ҳаёт,
Гўрни ҳам қизганса, пайт келиб ўлсанг.

Сендан йироқ бўлса Ватаннинг кўзи,
Ажраб кетган бўлса эт билан тирноқ.
Ким деб аташ керак номингни ўзи?
Мусофир десалар тўғридир кўпроқ.

Беҳад улуғ эрур замон матлаби,
Заминда мусофир эмасдир башар.
Ҳар ким ватанига ярашган каби,
Ҳар кимга дунёда Ватан ярашар.

2003 йил, 9 июль

ОРОМ

Фақат ором эди кўнгил матлаби,
Шабада ҳам ўтди юпқа пўстимдан.
Шаҳарнинг шовқини етмаган каби,
Улкан самолётлар учди устимдан.

Сўнгра ер остида қурдим мен ватан,
Келармикин дея оромнинг дами.
Эшитилар эди энди теппамдан
Чумоличаларнинг гурс-гурс қадами.

*2003 йил, 14 июль
Женева*

ЎЗБЕК НОНИ

Қайси бир замонда, қайси бир султон
Топибди ақчани, топибди шонни.
Ва лекин дуч келиб тақдир беомон,
У орзу қилибди бир бурда нонни.

Бир улуғ аллома фикрин айлаб жам,
Сўзимни маталга йўйманглар, дебди.
Токчага бўй чўзсанг, Куръон турса ҳам,
Нонга сира оёқ қўйманглар, дебди.

Нон ва Ўзбекистон уйқашдир азал,
Бу юртга не эллар нон деб келганлар.
Саргашта қушлар ҳам доим, галма-гал
Бу юртдан ризқини териб еганлар.

Юртим, буюклигинг билди кенг жаҳон,
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.
Сийлайсан оламни ёзиб дастурхон,
Меҳнатдан яралган шу нонинг билан.

Сени ушбу кунда қутлайман, юртим,
Ризқингни бут қилди олтин хирмомим.
Ҳар иссиқ нонингни қуёшдай кўрдим,
Дунёга нон берган Ўзбекистоним!

2003 йил, август

ОНА ЮРТ

Сиз, соҳибдавлатлар, зотлар муҳтарам,
Ўзингизга сийлов уяларингиз.
Мени эшитмассиз эҳтимол ҳеч ҳам,
Бироқ, етказди хуфяларингиз.

Етказди, гўё Ўрта Осиёда
Аллақандай шоир бир гап айтипти.
Сайловчилар тиргак сизга дунёда,
Бу тўлқин бир кун бор, бир кун — қайтипти.

Эътибор айлангиз, азиз тўралар,
Ўйланг сиз ҳам ахир ўз танингизни.
Тутаб ёнмоқдадир ўрмон, қўралар,
Нега ўйламайсиз Ватанингизни?

Сира ўйламайсиз остонангизда
Имдод сўраб ётган гадоларни сиз.
Ҳар куни кутгайсиз кошонангизда
Ўзингизга ўхшаш подшоларни сиз.

Аmmo, менинг учун жуда ғалат ҳол:
Бир чеккага қўйинг шараф ҳам шонни,
Нега ғалвангиздан юз буриб дарҳол,
Сиз ўйлай бошлайсиз Ўзбекистонни?!

Ўзбек дер: ўзингга енг бўлолмасанг,
Асло бўлолмассан бошқага этак.
Кимлигим ҳақида олам чалган занг,
Азал буюклигим бўлган-ку эртак.

Менинг тоғларим бор — баланддир, пастдир,
Нима бўлганда ҳам улар меники!
Бахши овозими, мақомми, сасдир —
Нима бўлганда ҳам улар меники!

Меники саналур Жайхун, Сайхун ҳам,
Муштипар мусича ку-кусигача.
Меники аталур Истиқбол — болам,
Жажжи набирамнинг кулгусигача.

Меники шу Ватан, меники шу юрт,
Бозорим, мазорим, шаҳру кентим ҳам.
Ҳуқуқим меники, айламанг унут,
Меники сайлаган Президентим ҳам!

Сизга шоирона битта сўз айтай:
Фаҳм этинг юмалоқ-япалоғини.
Унутмай турибсиз балки, ҳар қалай,
Бобом Амир Темур шапалоғини.

2003 йил, 11 октябрь

ИҚРОР

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу дарё меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу тоғлар меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу саҳро меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу бозор меники.

Сен яхши кўрасанми
ё ёмон кўрасанми —
Шу мозор меники.

Яхшидир, ёмондир —
Шу Ватан меники.

2003 йил, октябрь

КЎЗТУМОР

Демишлар, дунёда қиз бола учун
Душман бўлар эмиш ҳусни аввало.
Юртим, ахир сени ўйламай нечун,
Тенгсиз чирой бермиш Тангри таоло.

Демишлар, дунёда шундай зотлар бор,
Борни кўролмади, йўққа беролмас.
Юртим, неъматинг ҳам бисёрдан бисёр,
Бир ёнда суқ бўлса, бир ёнда ҳавас.

Демишлар, дунёда ҳасад ҳам иллат,
Унинг йўлин боғлаб, қилгайлар ирим.
Юртим, дарвозангда майли бир фурсат,
Қанийди, кўзтумор бўлолса шеърим.

2003 йил, ноябрь

МЕНИНГ ҲАСРАТЛАРИМ

Менинг ҳасратларим,
Сизлар бунча кўп,
Инон-ихтиёрим қўлга олгансиз.
Гоҳи ёлғиз-ёлғиз, гоҳида тўп-тўп,
Гўё туғишганим бўлиб қолгансиз.

Бирингиз – боламдан яралган ҳасрат,
Оғрийсиз, эзасиз юрак-бағримни.
Бирингиз – ҳасаддан қолган жароҳат,
Ичимга ютганман заҳримни.

Бирингиз – оғамдек илтифот этиб,
Лекин бегонасан, деган сўздансиз.
Бирингиз – эрта-кеч заволим кутиб,
Ёвуз ният билан боққан кўздансиз.

Бирингиз – туну кун тарқатиб миш-миш,
Дўстларим орасин бузганлардан доғ.
Бирингиз – қўлимдан еб туриб емиш,
Ишонч ришталарин узганлардан доғ.

Қочган ҳам, қувган ҳам Худойим дермиш,
Ҳар кимнинг орзуси – эгарланган от.
Дунёда кўрганинг – кўргулик эмиш,
Балки бут эмасдир ҳасратсиз ҳаёт.

Майли, синовларга дуч келай ҳар он,
Розиман, бахш этдинг ҳаёт нусратин.
Лекин кўрсатмагин, Тангрим, ҳеч қачон
Фарзанд ҳасратию Ватан ҳасратин.

2003 йил, ноябрь

АЖРИМ

Дунёнинг ярмини сайр этди ўғлон,
Келиб отасидан сўради ажрим:
– Чин дўст тополмадим нега, отажон?!
Ота эса жим.

Яна дунё кезди чарчамай ўғлон,
Яна отасидан сўради ажрим:
– Вафо тополмадим нега, отажон?!
Ота ҳамон жим.

– Нега саволимга бермайсиз жавоб?! –
Ўғлон турар эди нолакор, ҳақир.
Ота жавоб қилди уҳ тортиб шу тоб:
– Сен ҳам бор нарсани ахтар-да ахир?!

2000 йил, февраль

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МАДҲИЯСИ

Ошёнингга илоё
омон-эсон қайт,
Ёру дўстга ўзбекнинг
саломини айт.

Нақарот

Кабугардек учирди
Ватан қўллари,
Ўзбекистон ҳаво йўллари,
ҳаво йўллари.

Сўйлашасан қуёшли
кундузлар билан,
Бўйлашасан тунлари
юлдузлар билан.

Яхши ният ҳамиша
йўлдошинг бўлсин,
Қайга борсанг эзгулик
қўлдошинг бўлсин.

Нақарот

Кабугардек учирди
Ватан қўллари,
Ўзбекистон ҳаво йўллари,
ҳаво йўллари.

2004 йил, декабрь

САДОҚАТ

Кимдир шеър ёзади ё кирар жангга,
Хизмат қилсам дейди ҳар ким Ватанга.
Бундан манфаат не, недир муддао?
Қуш ҳам ўз ошённин асрар доимо.
Шу Ватан қўйнида топдик то камол,
Унга чин садоқат — энг эзгу аъмол.
Аслида меҳр ҳам, мурувват ҳам шу,
Демак, шонинг мангу, шавкатинг мангу.
Онадан оқ сутнинг ҳаққи сўралмас,
Ватан розиман деб жавоб қилса, бас!

2004 йил, январь

КЕЛИНОЙИ

Бошлиқ ишга келар тонгда тунд ва жим,
Бўйинбоғи қийшиқ, шими ҳам ғижим.

У ёқдан бу ёққа тинмай одимлар,
Бу ҳолдан ташвишга тушар ходимлар.

Дейишар, ишлар-ку жадал, жойида,
Демак, ҳамма сабаб келинойида.

Бошлиқ ишга келар эртаси, бироқ,
Унинг кўриниши бошқадир мутлоқ.

Бўйинбоғ ҳам силлиқ, шими ҳам силлиқ,
Муомала эса илиқдан илиқ.

Учраган ҳар кимга табассум қилар,
Барчага, барчага омадлар тилар.

Энди бошлиқ эмас, балки ходимлар
Бир-бирин қутлашиб, тинмай одимлар.

Дейишар, бор бўлсин хизмат жойимиз,
Бор бўлсин меҳрибон келинойимиз!

2004 йил, март

НАСИХАТ

Ёшлик ортида қолди, турдинг оёққа,
Азму шижоатни унутма, болам.
Насиҳат ёқмайди энди қулоққа,
Ақлу фаросатни унутма, болам.

Бу дунё аслида алдамчи бозор,
Унда лўттибозу нокаслар бисёр.
Сен мардлар қошида мард бўлгил, зинҳор
Хайру саховатни унутма, болам.

Балки дастурхонинг доим мўл бўлмас,
Омад ҳам ҳамиша чарақлаб кулмас.
Ким айтар, суянган падаринг ўлмас,
Сабру қаноатни унутма, болам.

Ёвуз кимсалардан айлагил ҳазар,
Уларнинг қалби пуч, тиллари заҳар.
Ахтара-ахтара дўст топсанг агар,
Меҳру садоқатни унутма, болам.

Оғам деб кимлардир силар бошингни,
Укам деб еб кетар биров ошингни.
Минг бир тарозига солар тошингни,
Макру хиёнатни унутма, болам.

Каслар бор, қадрингни гоҳо билмаслар,
Гоҳо билсалар ҳам кўзга илмаслар.
Гарчанд улар сенга парво қилмаслар,
Фазлу диёнатни унутма, болам.

Турфа синовларга дуч келгай инсон,
Гоҳида шодондир, гоҳида нолон.
Чорасиз қолсанг ҳам, лекин ҳеч қачон
Адлу адолатни унутма, болам.

Қадамда учрагай азизлар хоки,
Йўлингни ёритгай ақлу идроки.
Илоё, руҳлари шод бўлсин, токи
Зикру зиёратни унутма, болам.

Нодонлик белгиси – ҳавойи ғурур,
Оллоҳ душманидир кимки такаббур.
Мағзи тўқ бошоқнинг эгилишин кўр,
Сирру синоатни унутма, болам.

Айтурман мен сенга ушбу гапни ҳам:
Билиб қўй, ғоятда гўзалдир олам.
Бироқ пайти келса, тепамда бир дам
Сидқу тиловатни унутма, болам!

2004 йил, март

ЯШИЛ НОВДА

Расул қабристондан бораркан утиб,
Шафқат ва иноят ҳиссин туйдилар.
Бир қабр қошида тиловат этиб,
Сўнг яшил новдани қадаб қўйдилар.

Саҳобалар деди: — Ё Расулуллоҳ,
Бу новда жисмида яширин қай сир?
Расул жавоб қилди: — У энди, валлоҳ,
Гўрнинг азобини енгиллатгайдир.

Чиндан сеҳр билан тулиқдир олам,
Чиндан ҳар қадамда илоҳий асрор.
Зўр қудрат эмасми ҳаёт ўзи ҳам,
Яшил новдада ҳам унинг кучи бор!

2004 йил, март

ОЛЛОҲ МАРҲАМАТИ

Оллоҳим кимгадир берди бойлик, зар,
Балки раҳм айлади йўқсил жонига.
Валекин тўймасин дея у баттар
Нафсни қўшиб қўйди ёнига.

Оллоҳим кимгадир мансабни берди,
Амал пояларин қилди мустаҳкам.
Валекин нариги томонда қурди
Қайтиб тушадиган зиналарни ҳам.

Оллоҳим кимгадир берди истеъдод,
Майли, таратсин деб гўзал куйларни.
Валекин бир умр чексин деб фарёд,
Унга ҳамроҳ қилди ҳасадгўйларни.

2004 йил, март

ЭВРИЛИШ

Болалик йилларнинг шўхликлари бор,
Ўйин жанжалга ҳам охир етарди.
Енгилган жўрамиз тўнғиллаб ночор:
— Отамга айтаман! — дея кетарди.

Сўнгра мактаб бордик, улғайдик гўё,
Кимдир «оддий» бўлди, кимдир «атаман».
Алам чекканимиз дер эди гоҳо:
— Сени директорга айтаман!

Бир кун катта бўлдик бизлар ростдан ҳам,
Ўйлаб гапирмоқ шарт энди ҳар кимга.
Сени қўрқитарди бундайроқ одам:
— Парткомга айтаман, парткомга!

Замонлар ўзгарди, ўзгарди дўст-ёв,
Давр ҳам ўзга бир либосни кийди.
Бугун хафа қилса бировни биров,
Дарҳол «Би-Би-Си»га айтаман!» дейди.

2004 йил, март

ТАВБА

Балки бўлолмадим Сизга муносиб,
Буни кеч билганим учун ҳам тавба.
Сизга шеърлар битиб, мактублар ёзиб,
Безовта қилганим учун ҳам тавба.

Дунёда бормикан Сиздек жафокор,
Сиздек меҳри тансиқ, парвосиз дилдор.
Вафо деган сўзни бекордан-бекор
Қулоққа илганим учун ҳам тавба.

Ахир юрмасмидим мен ҳам шўх, шодон,
Сизнинг борлигингиз билмасдан, хандон.
Сизни деб шунча йил саргашта-сарсон
Бағримни тилганим учун ҳам тавба.

2004 йил, март

ШАМБАЛА

Олис Ҳимолайда, Тибет томонда
Бор эмиш Шамбала номли мамлакат.
Биздек даврон сурмиш қай бир замонда,
Ҳозир ер остида яшармиш фақат.

Лемур, Атлант эмиш уларнинг насли,
Ҳатто коинотга сололган титроқ.
Улар одамзотнинг пуштидир асли,
Танлари муз қотган, руҳлари уйғоқ.

Магар ер юзини чулғаса бало,
Инсон худо деса ақчани, зарни,
Иймонни ҳимоя айлаб Шамбала
Жўнатиб турармиш бир пайгамбарни.

Улар орасида бормикан ўзбек —
Буниси, албатта, менга ноаён.
Бироқ ер устида айбимиз бирдек,
Бузилиб кетди-ку тагин бу жаҳон.

Одамзот чароғи ўчмасин токи,
Шамбала, қавмингга яна парво эт.
Бирор вакилингни жўнатгин, ёки
Ўша диёрингга бизни олиб кет.

2004 йил, апрель

БИРДАМЛИК

*Шахмат бўйича жаҳон чемпиони
Рустам Қосимжоновга*

Пойтахт аэропорти.
Гавжум чунон ҳам.
Ерга тушмас эди сочсанг тангани.
Гўё чиққан эди мамлакат шу дам
Чемпион Рустамни қарши олгани.

«Балли», «Баракалла» дер ҳар бир юртдош,
Ҳамма қутлар эди бир-бирин шодон.
Менинг кўзларимдан тирқиради ёш,
Бизни бирлаштирадинг, раҳмат, Рустамжон!

2004 йил, 17 июль

АНГЛАШ

Тонгларим тийрадир, оқшомлар пурғам,
Бир-бир кетаётир жўраларим ҳам.

Бировин йўлини касаллик тўсса,
Бировин йиқитди ғам билан ғусса.

Бошига тушса ҳам қанчалик савдо,
Ношукур бўлмади улар, ажабо!

Билдимки, нолишни наинки замон,
Аллоҳ ҳам ёқтирмас экан ҳеч қачон.

2004 йил, 25 сентябрь

ЭЪТИРОФ

Аввал шогирдларга берилди навбат,
Улар шарҳ айлади ўз илмларин.
Сўнгра жўр бўлишиб мақташди фақат
Таълим берган устоз — муаллимларин.

Эсладилар гўё бергандай ҳисоб,
Берунийдан тортиб Оқил бобони.
Тушунарли эди бундаин одоб,
Ҳамма англар эди бундан маънони.

Кекса бир мураббий сўз олиб шу тоб,
Минбарга чиқди-ку шошилмай, аста.
Ва бир шогирдини этди эътироф,
Олқишлар ёғилди унга бирпасда!

2004 йил, 28 сентябрь

ИККИ ҚАРИЯ

Қариялар уйи.
Икки мўйсафид
Дардлашар эдилар сокин, жимгина.
Бири дер: яшадим, гарчи эгним бут,
Фарзанд кўрмадим мен, оқибат — мана...
Иккинчиси эса оҳ чекди шу он,
Деди: армонингиз чексиздир, билдим.
Мен эса дардимни этолмам баён,
Фарзандлар дастидан бул ерга келдим.

2004 йил, 15 ноябрь

ШОИРЛАР ВА ЮЛДУЗЛАР

Балки коинотнинг қай пучмоғида,
Қайсидир юлдузда яшар бир шоир.
У ҳам бизга ўхшаб жўшган чоғида
Балки шеърлар ёзар самога доир.

У ҳам балки бедор оламни кезиб,
Йироқ-йироқларга учмоқ истайди.
Ўзининг ғалвали буржидан безиб,
Бошқа дунёларни қучмоқ истайди.

Балки у тунлари энтикиб боққан
Юлдуз бизнинг Ердир, бизнинг Сайёра.
Балки юрагида оловлар ёққан
Шимол ёғдулари – мовий шарора.

Балки Фарғонанинг сўлим боғлари
Уни чорлаб турар кўм-кўк нур бўлиб.
Сирли севги ҳиссин туйган чоғлари
Термулар, шеър ёзар шавқларга тўлиб.

Оҳ, у содда шоир, билсин қаёқдан
Гўзал бу Сайёра синоатларин.
Мафтункор кўрингай тоқи равоқдан
Яшириб ҳисобсиз жароҳатларин.

Унинг бағри буткул заққумга тўлиқ,
Инсон деган жонзот етган бошига.
Кўксидан таралар мунгли бир қўшиқ,
Тавалло қилар у ўз Қуёшига.

Йироқ юлдуздаги шоирим – жўрам,
Сен ҳам ўз шеърингни ёзавергин, бас.
Менга ҳавас билан боқмагил кўп ҳам,
Майли, мен ҳам сенга қилмайин ҳавас.

2004 йил, 24 декабрь

ТУРТЛИКЛАР

САВОБ

Савобдир жилғага, сойсан, деб айтсанг,
Ё хунук аёлга ойсан, деб айтсанг.
Бойни камбағал де, хурсанд бўлади,
Камбағалга эса бойсан, деб айтсанг.

2002 йил, 10 октябрь

ЖУМБОҚ

Тикланиш бир ёнда, нураш бир ёнда,
Жавоб бир ёндаю сўраш бир ёнда.
Бу кўҳна дунёни тинч кўрмадим ҳеч,
Аҳиллик бир ёнда, кураш бир ёнда.

2003 йил, 15 февраль

ШУКР

Жаннат сени илҳақ кутиб турганмас,
Дўзах ҳам сен билан, албатта, тўлмас.
Битта сени ютиб ер ҳам тўймагай,
Энди шукр қилу яшайвергин, бас.

2003 йил, 11 март

НАВРЎЗ

Яшадим қиш фаслин узун тунида,
Кўрдим ёруғликни тун якунида.
Жоним, Сен ҳам энди тараҳҳум айла,
Сен ҳам табассум қил Наврўз кунида.

2003 йил, 19 март

ДАРД

Нега ёмонларга дард бермас Худо,
Хатто товонига тикон кирмайди?
– Ҳаммининг жонига теккан у бало,
Худо дардини ҳам раво кўрмайди.

2003 йил, 19 март

ПАСТНАЗАР

Баланд бўлса ҳамки шуҳратинг магар,
Сен элнинг наздида тубан, пастназар.
Кўрсанг бир тангани жондан ҳам кечиб,
Пиёда кетгайсан Ҳиротга қадар.

2003 йил, 29 март

САБОҚ

Дунёнинг ишлари ғалатдир, билсанг,
Сени кўзга илмас — сен кўзга илсанг.
Ёмонлик шу заҳот қайтади, аммо
Кутма жавобини, яхшилик қилсанг.

2003 йил, 31 март

ОМОНАТ

Қалбингда қувончми ё борми алам,
Жимгина юрабер, билдирма ҳеч ҳам.
Ҳатто хўрсинсанг ҳам тўкилиб кетар,
Омонат дунёга тегмагин, болам.

2003 йил, 1 апрель

ОРИЯТ

Вакиллар йиғилди турли томондан,
Турли ирқ, турли дин, турли забондан.
Яхшини ҳар бири меники деди,
Ва лекин ҳаммаси тонди ёмондан.

2003 йил, 17 апрель

ТУШ

Гуноҳкор бир ўғил маҳзун, ҳоли танг,
Уйқудан кўз очиб ингарди аранг:
— Мени ўйлабсизда у дунёда ҳам,
Ота, арзимасман, тушимга кирманг.

2003 йил, 21 апрель

ҲАЁТ

Ёмон кўрсанг ҳам ё севсанг ҳам жондан,
Барибир, маломат ёғар ҳар ёндан.
Магар шундоқ экан, ширин сўзингни
Аяма ҳеч кимдан, ҳеч бир инсондан.

2003 йил, 5 май

ХОТИРА

Хотира дунёда азиз, мўътабар,
У — она, у — устоз, у — суюк падар.
Ва лекин қиммати қолмасди унинг,
Эслайдиган зурёд бўлмаса агар.

*2003 йил, 9 май
Хотира майдони*

БУТУНЛИК

Ношир Рустам акага

Ўчоқдаги ўтин — ўша ўтиндир,
Ўша-ўша олов, ўша тутундир.
Излама дунёда бағри бутунни,
Туғилмаганларнинг бағри бутундир.

2003 йил, 15 май

МЕҲМОН

Афанди бир куни борди меҳмонга,
Ажойиб уй экан, хуш ёқди жонга.
Сўнгра тўрга ўтиб, ётиб олди-ю:
— Энди мен кетмайман! — деди мезбонга.

2003 йил, 20 май

ИСМ

Исмда нима айб, бир аравакаш
Болаларин тўплаб койирди яккаш:
— Одам бўлмадинг-а Шоҳжаҳон ўғлим,
Комрон, бекорчисан, Ҳумоюн — саркаш.

2003 йил, 25 май

ҲАССА

Осмон улканлашди, кичрайди жуссам,
Шодлик — бир дақиқа, узундир ғуссам.
Умр сўқмоғида тошларга тегиб,
Кун-бакун қисқариб бормоқда ҳассам.

2003 йил, 2 июнь

КАРВОН

Дунёда тугамас экан армонлар,
Ўтди қанча замон, қанча сарбонлар.
Ўтира берибман буюкман дея,
Манзилга етибди бошқа карвонлар.

*2003 йил, 13 июнь
Токио шаҳри*

ЯПОН

Сенинг амалиннга қойилдир жаҳон,
Бургани тақалаб қўйгайсан осон.
Нозик санъатиннга тикилавериб,
Кўзларим қисилиб кетди-ку, япон.

*2003 йил, 18 июнь
Киото шаҳри*

МАРТАБА

Гарчанд комил эмас кўҳна бу жаҳон,
Гарчанд ҳар қадамда яхши ва ёмон.
Масхара қиласан ўз шоирингни,
Шу сенга мартаба бўлдими, инсон.

2003 йил, 1 июль

ГУМОН

Зинҳор яқинларинг бўлмасин нодон,
Бўлмасин фаҳмсиз, тамагир шайтон.
Сен бирор мансабда ўтирган бўлсанг,
Улар сени бой деб қилмасин гумон.

2003 йил, 3 июль

ҲАДЯ

Кимдир ҳадя қилар сенга ароғин,
Кимдир тамакисин, кимдир яроғин.
Мен ўзбек дўпписин тарқатдим фақат,
Тарқатдим ўзбекнинг тўнин, белбоғин.

*2003 йил, 8 июль
Женева*

ДИПЛОМАТ

Дипломат ҳаётин булдир мазмуни:
Икки кунки, ҳеч ким тополмас уни.
Подшоҳ чақирганди биринчи кунда,
У кир ювмоқдайди иккинчи куни.

*2003 йил, 14 июль
Женева*

ТҮЛИН ОЙ

Дейдилар, ой айна тўлишган маҳал,
Қузиб қолар эмиш турфа хил касал.
Бу-ку бор гап, шекилли, юзингга боқсам
Гапимдан адашиб қоламан ҳар гал.

2003 йил, август

ЭЛЛИКҚАЛЪА

Неъматуллага

Гулдан гулга қўниб саҳар палладан,
Болари бол йиғар қирдан, даладан.
Шоир ҳам болари бўлсайди агар,
Ишин бошлар эди Элликқаъладан.

2003 йил, 14 август

ВИЖДОН

- Бугун синдирдингми кўнгилда найни,
Мулзамсан, гуноҳкор зотсан баайни?
Оҳ, виждон уйғонди!
Сўнг йиғлаб деди:
– Кеча сотган эдим сени, оғайни...

2003 йил, 19 сентябрь

НОКАСЛАР

- Улар дон эдилар — сомонлашдилар,
Бир Инсон эдилар — томонлашдилар.
Аввал ёмонлашди подшоҳни роса,
Сўнгра бир-бирларин ёмонлашдилар.

2003 йил, 19 ноябрь

БОЗОР

Бу не бозор эрур, ҳамма жим ва жам,
Оладиган ҳам йўқ, сотадиган ҳам?
Бу — мозор, у ерда ҳамма жам ва жим,
Олмайди, сотмайди бирорта одам!

2003 йил, 26 ноябрь

ХАТОЛИК

Одам қучди бир кун шайтон — жононни,
Бу ҳол қувонтирди ҳар икковлонни.
Шайтон дер: — одамни йўлдан урдим-ку,
Одам дер: — кўрмовдим фақат шайтонни.

2003 йил, декабрь

КОШКИ

Ўзингча бир одим отсанг, кошкийди,
Ёки шон-шуҳратга ботсанг, кошкийди.
Бугун-ку тўнимни кийиб юрибсан,
Кириб гўримга ҳам ётсанг, кошкийди.

2003 йил, 10 декабрь

МЕҲР

Бир бола чинқариб йиғларди чунон,
Уни юпатолмай кўпчилик гирён.
У қайсар ҳеч кимга қулоқ солмади,
Бошин силашганди — тинчиди шу он.

2003 йил, 10 декабрь

САВОЛ

Дейсан, ҳар нарсага сабабдир замон,
Аммо, мавжуд яна виждон ва имон.
Мен битта саволни ечолмадим ҳеч:
Қайсига мансубдир Яхши ва Ёмон!

2003 йил, 18 декабрь

ЗУВАЛА

Биродар, тушмадим мен ҳам осмондан,
Сен ҳам келмагансан бирор томондан.
Бир юртнинг фарзанди иккаламиз ҳам,
Зуваламиз битта, меҳр бир жондан.

2004 йил, 17 февраль

КОМИЛЛИК

Майли, шоирликни қилмагин ҳавас,
Балки олимлик ҳам сенга шарт эмас.
Англасанг дунёнинг ўткинчилигин,
Комил бўлмоқликка шунинг ўзи бас.

2004 йил, 1 март

ТИЛСИМ

Гарчанд Инсон қавмин биттадир исми,
Гарчанд муштаракдир қиёфа, жисми.
Лекин қилмишлари унинг турфадир,
Бир қисми алданар, алдар бир қисми.

2004 йил, 12 март

НОДОН

Дунёга яшай деб келади Инсон,
Яшамоқлик учун ахтарар имкон.
Сен-ку бу дунёдан туйган экансан,
Бошқаларни нега қийнайсан, нодон?!

2004 йил, 29 март

ҲАҚИҚАТ

Дедилар: – Аё, пир, айлагил шафқат,
Ҳақиқат бормикин, ростин айт фақат.
Пир деди: – Тириксан, ҳақиқат шулдир,
Бир куни ўлгайсан, бул ҳам ҳақиқат.

2004 йил, 16 март

САФАР

Келсангу демаса биров марҳабо,
Кетсанг ҳеч бир кимса айтмаса видо,
Бундаин сафардан мурод не бўлди,
Нега келтирдингу кеткиздинг, Худо?!

2004 йил, 18 май

ТАЯНЧ

Мулку мансаб бўлса, азизсан ҳар он,
Дўсту ёр ҳам бисёр, олам чароғон.
Шу икки таянчдан айрилган чоғинг,
Сен ҳам ожиз банда, дунё ҳам зиндон.

2004 йил, 21 май

ХАВОТИР

Бир куни дедилар: – Айтгил, аё, Пир,
Шартмикан ҳар кимга биттадан қабр.
Пир деди: – Ҳаммани бир жойга кўмсанг,
Низо чиқиб кетса ёмон-ку ахир.

2004 йил, 22 май

ДИЙДОР

Онам эрта кетди дунёдан нолон,
Ёшидан утганман мен аллақачон.
Қартайган ўғлингни охираат куни
Таний олурмисан, билмам, онажон!

2004 йил, 25 май

ҲАҚИҚАТ

Дарвеш умр бўйи чекиб ғам, заҳмат,
Дунёда ҳақиқат ахтарди фақат.
Бир кун ўраб деди уни оломон:
Ҳақиқат ўзинг-ку, ўзинг ҳақиқат!

2004 йил, 16 август

ҚАНОАТ

Менга шабнамчалик кўз ёшинг етар,
Менга зигирчалик бардошинг етар.
Майли, тансиқ неъмат бермагил менга —
Беминнат бир қошиқ сўк ошинг етар.

2004 йил, 16 ноябрь

ИМОМ

Ҳазратим, аслида Сизга ҳам қийин,
Сомелар кўпинча қилишар ўйин.
Аввал ортингизда намоз ўқишар,
Қатиққа сув қўшиб сотишар кейин.

2004 йил, 16 ноябрь

ДАЪВО

Йигирманчи аср зотлари аро
Менинг ҳам ўрним бор шаксиз мутлақо.
Мен асли шоирман, жаноб муҳаррир,
Шуни унутманг деб: Эргаш фуқаро.

2004 йил, 23 ноябрь

НАПОЛЕОН

Дўхтир даволади беморни узоқ,
Тузатгач маслаҳат берди у шундоқ:
– Наполеон менман, деб юрмагил энди,
Наполеон мен ўзим, билиб қуй, ўртоқ!

2004 йил, 25 ноябрь

ҲАММУАЛЛИФ

Йўлнинг чеккасида тургай у фақат,
Пиёда юришга унда йўқ тоқат.
Отлиқ ўтадим, эшаклими ё,
Мингашиб олади унга шу фурсат.

2004 йил, 26 ноябрь

ШЕЪР

Тўй қил, ошингга ҳам шеър ёзилгайдир,
Тўлган ёшингга ҳам шеър ёзилгайдир.
Сен шеърга беписанд боқма, эй нодон,
Ўлсанг тошингга ҳам шеър ёзилгайдир.

2003 йил

САВОЛ-ЖАВОБ

— Қаён боқсанг фитна, уруш ва гавго,
Бир кун тинчирмикан бу шўриш савдо?
— Сенинг саволингга жавоб саволдир:
Қачон тинч бўлганда ахир бу дунё?!

2005 йил

ҚИРҚ БИРИНЧИ УСУЛ

Киноновелла

I

Катта түй. Кўплаб одамлар тўпланган майдонда курашга тайёргарлик. Ёғоч устунларга, дарахтларга болалар чиқиб олишган. Курашга қўйилган соврин — товоққа барваста полвон талабгор бўлади. Полвон ятак, белида белбоғи билан майдонга чиқади. Даврадаги бошқа бир полвон талабгор бўлиб ўртага чиқади. Полвонлар анъана бўйича қўл олишадилар, даврани айланиб курашга шайланадилар. Томошабинлар орасида, айниқса, бир бола курашга ғоят ишқибозлик билан қарайди, унинг хатти-ҳаракатларида, кўз қарашларида бетоқатлик сезилиб туради. Кураш бошланади. Товоқ олган полвон бир неча уринишдан сўнг рақибини йиқитади. «Ҳалол» деган қийқириқлар эшитилади. Ҳалиги ишқибоз бола, айниқса, бошқалардан фарқли, ўрнидан ирғишлаб «Ҳалол», «ҳалол» деб қичқиради.

Кураш тугаб, одамлар тарқала бошлайди. Бола ғолиб полвондан кўз узмайди. Полвон даврадан совринни (отни) етаклаб кетаётганда ҳалиги бола унга эргашиб кета бошлайди. Бола полвонга етиб бориб, полвонга таъзим ва ҳурматини билдиради. Полвон жилмайиб, унинг елкасига қоқади, мушакларини ушлаб кўргандай бўлади.

II

Полвон уйида (ҳовли саҳнида) полвонлик машқларини бажармоқда. Ёнида ҳалиги болакай. Полвон турли ҳаракатлар билан болакайга гўё кураш сирларини ўргата бошлайди. Бу кўриниш бир

неча бор такрорланади. Боланинг улғайиб йигитга айлангани кўриниб туради. Энди у устоз полвон билан машқ ўтказиб, росмана беллаша бошлайди. Устоз полвон кураш усуллари шоғирдига эринмай ўргата бошлагани кўрсатилади. (Ўн ёки йигирма усул.) Ёш полвоннинг ўзини тутишида ўзгариш кузатилади. Унда ўзига ишонч пайдо бўлган.

Яна тўй манзараси. Энди товоқни ёш полвон олади ва бир неча рақибларини йиқитади. Бундай тўй манзараси бир неча бор такрорланади, лекин турли кўринишларда кўрсатилади. Ёш полвон ўзини енгилмас ҳисоблай бошлайди. У ҳеч кимни писанд қилмай кўяди, устозига ҳам истар-истамас салом беради. Яна тўй манзараси. Энди кекса устоз полвон биринчи товоқни олади. Унга талабгор чиқмайди. Ўртага сукунат чўкади... Шу ерда шоғирд полвон одамлар орасидан гердайиб майдонга чиқади. У устози билан кураш тушишга қарор қилган эди. Устоз полвон кайфиятида ўзгариш, ўкинч сезилади. Устоз полвон гўё курашдан бош тортгандай бўлади. Лекин шоғирд полвон даврани айланиб гўё устозини курашга чорлайди. Устоз полвон ниҳоят майдонга тушади. Бир мунча олишувдан кейин устоз полвон ҳали ҳеч қўлламаган усулини (қирқ биринчи усулни) қўллаб, шоғирд полвонни бир силташда йиқитади. «Ҳалол», «ҳалол» деган қийқириқлар янграйди. Ёш полвон ниҳоятда мулзам. Улар даврадан бирга чиқиб кетадилар. Устоз полвон бир вақтлар болакайни (бўлғуси шоғирдини) эркалаб елкасига қоққани каби меҳрли хатти-ҳаракатлар кўрғазади. Ёш полвоннинг эса боши эгик. Улар қўлтиқлашиб кета бошлайдилар.

2003 йил, июль

ШУКУҲЛИ ШЕЪРИЯТ

Одатда, машҳур кишиларнинг, айниқса шоиру хонандаларнинг мухлису ихлосмандлари бисёр бўлади. Мен ҳам ўзимни қай бир маънода ана шу тоифага мансубман десам бўлар. Кўп йиллардан буён Абдулла Орипов ижодига қизиқиб, ёзганларини ўзимча тўплаб, ўқиб, ўрганиб юрман. Шоир билан ғойибона учрашувим 1964 йилда юз берган эди. Ўшанда «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида устоз Озод Шарафиддиновнинг «оқ йўли» билан эълон қилинган, бугунги кунда маълуму машҳур «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Милтирайди митти юлдуз» ва «Бургут» шеърларини ўқиб қолиб, чинакам шеърият билан юзма-юз келганимдаги ҳаяжон ҳамон мен билан ҳамдам. Ўқувчилик пайтларим нечундир кўпроқ наср ўзига тортарди. Мактабда ёд олдириладиган, қўлимга тушган шеърларда қандайдир ясамалик, зўрма-зўракилик бордек туюлаверарди. Бунга бир чеккаси олис бир қишлоқдаги ўспириннинг жаҳоннинг даҳо шоирлари ижодидан тўлиқроқ баҳраманд бўлиш имконияти чекланганлиги ҳам сабаб бўлгандир, балким. Бироқ ўшанда бу уч шеър шеърият ҳақидаги тасаввурларимни бутунлай ўзгартириб юборди. Улар билан танишиб ҳақиқий шеър мана шу шеърлардек табиий, қуйма бўлишига, юракдан пўртана-пўртана бўлиб отилиб чиқиб, қалбнинг туб-тубига бориб етишига иқрор бўлган эдим.

Ўша йилнинг кузида шеърлари сеҳрлаб қўй-

ган шоирни ҳаётда ўз кўзим билан кўришга мушарраф бўлдим. Пахта мавсуми эндигина бошланган пайтлар. Биз филфакнинг биринчи курс талабалари ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги боғда оқшом пайти мушоира ўтказилишидан хабар топиб қолдик. Уч-тўрт курсдош ўша ёққа йўл олдик. Ўшанда мушоирада кимлар шеър ўқигани унчалик ёдимда қолмаган. Ҳар ҳолда ўн чоғли шоир давра қургани аниқ. Биз кутган шоир мушоиранинг охирироғида «Ўзбекистонда куз» шеърини ёд ўқиди. Бу шеърда Ўзбекистон кузининг ҳали ҳеч ким тасвирлаб бермаган таровати, фалсафаси, қалбларга бахш этадиган қувончу маҳзунлиги, «миллион эгатларга сочилган ўзбек»нинг дарду ҳасратлари, бизга болаликдан таниш пахта эгатларининг бизнинг нигоҳимиз, шууримиз илғамаган жиҳатлари мужассам бўлгандек эди назаримда. Шеърда шунчаки «меҳнат симфонияси» эмас, кўпроқ куз фалсафаси, ҳаёт, умр ҳақида мушоҳада юритиларди. Шеърни тинглар эканман, Ўзбекистон кузининг манзараси бор виқорию ўйчанлиги, ташвишлари билан шундоққина кўз ўнгимда гавдаланганлиги ҳамон ёдимда. Шеър фавқулодда ўхшатишларга, қиёсларга, тимсолларга, ўзига хос сўз тузилишига жуда бой эди: «Салқин туман ичра бўзарар тонглар», «Қуёшнинг эринчак ёғдуларида нафис ялтирайди барги хазонлар», «Ризқи она ерга сепилган халқим», «Наҳотки шунча тез айланар дунё», «Қайрағоч ёнида ғамгин ўлтириб, чолларга ҳассалар йўнган бу фасл» ...

Шеър:

Эҳ, кузги оқшомлар...

Дилимда менинг

Теран туйғуларим қузғалар жўшиб.

Қузғалар-у, шу дам қалбимдан секин

Тўкила бошлайди ойдин бир қўшиқ.

дея тамомланарди. Гарчи матнда «ойдин бир қўшиқ» дейилган бўлса ҳам шеърнинг бутун руҳидан келиб чиққанда шоир қалбидан «гамгин бир қўшиқ» тўкилиши керакдек эди. Чунки шеър зилдек оғир меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, бошини кўтариб атрофга қарашга ҳам фурсати бўлмаган «заҳматкаш ўзбек»нинг кузи, ташвишлари ҳақида эди. Бироқ шеър ёзилган паллалар гамгинлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Бутун руҳидан она юртга бўлган катта муҳаббат ёлқинланиб турган, кузнинг ўзидек маҳзун оҳангли шеърнинг матбуотда босилиб чиқиши ҳам катта гап эди.

Яқингинада университетни тамомлаган ёш шоирнинг мушоирада ўқиган шеъри бир менинг эмас, барча курсдошларимнинг эътиборини жалб қилган, бутун йўл бўйи шоирни ўз кўзимиз билан кўришдан, шеърдан олган таассуротларимизни ошиб-тошиб сўзлашган эдик.

Ўша йил қиш фаслида талабалар шаҳарчасидаги биринчи ётоқхонада севимли шоирим билан ҳаётда илк марта учрашишга, гаплашишга муяссар бўлдим. Бунга ўша пайтда филфакнинг битирувчи курси талабаси, ҳамқишлоғим, ҳозирда етук адабиётшунос ва журналистлар устози Бойбўта Дўстқораев сабабчи бўлган эди. Шоир талабалар ётоқхонасига, уларнинг хонасига келган экан. Хоналаримиз эса рўпарама-рўпара эди. Менинг Аб-

дулла Орипов шеърларини тўплаб юришимдан хабардор бўлгани учун таништиришга жазм қилиб, ўз хонасига таклиф қилди. Ўша оқшом ҳайрату ҳаяжон оғушида «Эслаш» ва бошқа шеърларни биринчи марта шоирнинг ўз оғзидан эшитганимдаги таассурот орадан қанча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, кечагидек кўз ўнгимда турибди. Мени шоирга, сизнинг шеърларингизни ўзича тўплаб юради, деб таништиришган эди. Ҳали бирорта ҳам тўплами чиқмаган ёш шоирга бу бирмунча мароқли туюлган бўлса керак, ўз шеърлари жамланган қалин дафтарни қизиқиш билан varaқлагани эсимда.

Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Бугунга келиб Абдулла Орипов бир менинг эмас, миллионларнинг севимли шоирига айланди, ўзбекининг миллий шоири сифатида қад ростлади.

Бундан қирқ йиллар олдин ёзилган «Альбомга» шеърда мана бундай байтлар бор эди:

Юзлаб шоир ётган шу альбом ичра
Мен ҳам қалбим учун қабр қазаман.
Ҳали из тушмаган оппоқ varaққа
Мен ҳам ўз дардимни ёзаман...
Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам
Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!

Бу хитоблар шеърят остонасига энди-энди қадам қўяётган ёш шоирнинг ўзига хос «дастур» эди. Қарийб қирқ йилдан кейин сарҳисоб пайти келиб Абдулла Ориповнинг бутун ижодини кўз олдимизга келтирар эканмиз, шоир ўз ақидасига содиқ қолиб, «қалбига доир» сўзлаганлигининг, халқ орзу-армонлари, интилишла-

рининг ифодачиси бўлганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Йигирманчи аср иккинчи ярми ўзбек адабиётида ногаҳон порлаган машъаладек оловли шуълалари билан юракларга ўт солган Абдулла Ориповнинг ижодий йўли халқимизнинг, шеърият муҳибларининг кўз ўнгида кечди. «Биз XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Ойбек каби мумтоз адибларсиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, — деб таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, — маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда». Дарҳақиқат, ҳали тўлалигича англаб етилмаган бу ўзига хос адабий ҳодисанинг сирру синоати, кўламию аҳамияти, адабиёт ва миллат тарихида тугган ўрни ҳали талай талқину тадқиқотлар мавзуси бўлиши тайин.

Бу ижод йўлининг айрим қирралари тўғрисида сўз борар экан, миллат манглайида ярқираган ҳар бир катта шоир сингари унинг ҳам илк қадамларидан тортиб то юрт қарамлиги авж нуқталарига чиққан пайтларгача бўлган ижод йўли теп-текис, равон кечмаганлигини эслатиб ўтиш жоиз. Шиддатли парвозга чоғланган ёш қалам соҳиби қаршисида дастлабки пайтлардан бошлаб турли-туман тўсиқлар кўндаланг бўлди. Бироқ юксакларни кўзлаган шеър йўлидаги «тушовлар» қанча-

лик «устакорлик» билан эшилган, «ўнқир-чўнқирлар» кўнгилни ғаш қилар даражада ғадир-будир, тайғоқ ва илтифотсиз бўлмасин, уни ўзанидан буриб юбора олмади, у мудом илгарилаб боришда давом этди. Алал-оқибат мукамал ва яхлит шукҳди шеъриятга айланди, донғи фақат «икки дарё оралигида» қолиб кетмай, йироқ-йироқларда ҳам юксак шаън таратди.

Абдулла Орипов шеъриятининг бугунги камоли ҳақида ўйлаганда бу шеърият қуп-қуруқ ялангликда пайдо бўлмаганлигини унутмаслик лозим. Анъаналарга бой мумтоз шеъриятимизнинг ранг-баранг жилоларидан баҳраманд бўлиш, Пушкин, Лермонтов, Ҳусайн Жовид каби сиймолар ижодини чуқур идрок қилиш, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор шеъриятига хос кўламлилиқ, лиризм, фалсафийлик ёш шоир ижоди учун бамисоли бир пиллапоя бўлганлигини, юксакликлар сари ундаганлигини, аср бошида янги ўзбек шеъриятини бошлаб берган Чўлпон, Усмон Носирлар ижодини чуқур истифода этиб, бамисоли улар қўлидан тушган қаламни қайтадан қўлга олиб эрк, миллий истиқлол ғояларига эш бўлганлигини кузатиш мумкин. Эллигинчи йиллар ўрталаридан бошлаб собиқ Иттифоқнинг «тўрт девор ораси»даги муҳитида «музлар эриб», ҳаётбахш шабадалар эса бошлаганлиги, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Белла Ахмадулина, Булат Окуджава каби шоирларнинг овози минбарларга чиқиб, инсон кўнглига бир қадар яқинлаша бошлаганлиги, ўзимизнинг шеъриятимизда Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Хайриддин Салоҳ каби ёш

шоирлар ижодида янгилашиш куртаклари кўрина бошлаганлиги ҳам ўзига хос шеърият парвозига замин бўлган омиллардан бўлганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди, албатта.

Шоир ҳеч бир ўринда баъзи бир қайдларни ҳисобга олмаганда кимлардан ўқиб-ўргангани, ўзи «симириган» сарчашмалар ҳақида ёйилиб сўзламайди, бироқ ижодда бундай мукамалликка, халқчилликка, миллийликка ўтган буюк салафларнинг бадий оламини инкишоф этиш баробарида халқ ижоди баҳрларидан озиқланмай эришиш қийинлиги аён гап. Нафсиламбирини айтганда, «шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир» эди «бундай буюкларнинг Қаҳқашонида». Юракка илоҳий руҳ билан кирган шеър ишқи ва қадрини юксак сақлаб, унга қалб кўрини бағишлаш туфайлигина шеърият бўстонида из қолдириш мумкин эди:

Шоир дилига қилма ҳавас, бут эса бағринг,
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман.

Ҳақиқий шеъриятга хос айрим учқунлар намоеън бўла бошлаган бўлса ҳам шеъриятимиздаги янгилашишнинг яхлитлик касб этиши Абдулла Орипов номи билан боғлиқдир. Чунки адабиётимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўттизинчи йиллар охиридан то олтишинчи йиллар бошларигача аҳён-аҳёнда зулмат пардасини йиртиб чиқиб ялт этган баъзи бир шуълаларни (Ғафур Ғуломнинг айрим шеърлари, Миртемир, Зулфия лирикаси ва бошқаларни) ҳисобга олмаганда шеърият учун шиорбозлик, яъни аравани қуруқ олиб қочиш асосий урфга айланган эди. Давр, коммунистик зуғум уни ана шундай забун ҳолга солиб

қўйган эди. Бу биқик муҳитни ёриб чиқиш учун тарих инъом этган имконият Абдулла Ориповни майдонга келтириб чиқарди.

Оғир сукунатни титратиб юборган момақал-диروقдек янграган, ўзбек шеъриятида кўпдан кутилган «янги нафас» (Абдулла Қаҳҳор ибораси) қалами остидан тўкилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон», «Ўзбекистонда куз», «Баҳор», «Она тилимга», «Тилла балиқча», «Муножот»ни тинглаб», «Уйқу», «Темир одам», «Сароб», «Авлодларга мактуб», «Онажон», «Она сайёра», «Арманистон» каби шеърларнинг ҳар бири адабиётимизда воқеа бўлди, халқ қалбида акс садо берди.

Абдулла Орипов ижодида Имон, Виждон, Инсоф, Диёнат, Савоб излаб Ўзликни англаш сари қадамба-қадам илгарилаб борган исёнкорона руҳдаги, инсон қалб тўлғонишлари чуқур очиб берилган, фалсафийлик ва лиризм, туйғу ва фикр ажойиб тарзда қоришган, бир-бирини тўлдирган, хуллас, «шеър архитектуронаси» гоят мукамал шеъриятнинг ажойиб намунасини кўриш мумкин.

Бу шеърият ажойиб тимсолларга, ҳайратланарли даражада юксак образли ўхшатишларга ниҳоятда бой шеърият:

Ўлим бу – нишонга бориб теккан ўқ,
Туғилиш – шиддат-ла тортилган камон.

ёки

Менинг ҳам руҳимда ажлодлар оҳи,
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор...

Минорлар эмас бу – фалакка қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.

Гарчи унинг ижодида миллийлик, миллат шаънини улуғлаш айрича бир кўринишда бўртиб турса ҳам, миллий биқиқлик унинг учун мутлақо бегона. «Яхшию ёмонни елкасига ортган» она сайёранинг муаммолари, инсоний дард тўлғонишларидан бунёд бўлган бу шеърият.

Бошқа бирор соҳада «ура-ура» қилиб, бўлмагани бўлдириш ҳам мумкиндир, балким. Лекин шеъриятда-чи? Минг урининг, мағзи пуч мисраларни бировга йдириш мушкул. Шеърият ва шеър ўқувчиси ўртасидаги муносабатда чуқур демократизм мавжуд. Бир хил шеърлар бир-икки йил, балким, бирор ўн йил эътиборда бўлиши, шарҳларда саналиб юрилиши мумкин, бироқ зўрма-зўракилик охир барҳам топади. Ўқувчига маъқул бўлмаган асар, шеър бир четда чанг босиб ётаверади.

Мустақиллик, истиқдол йилларида шоир ижоди янги поғонага кўтарилди, халқ ва юрт ташвиши ҳақидаги ўйлар янада теранлашди. «Шоир қалби» (1998 йил) шеърида шоир ўзи бир умр севиб қуйлаган она диёримизга бўлган теран туйғуларини қуйидагича изҳор этди:

Юртда не муборак ишлар бўлғувси,
Ундан шоир қалби шавққа тўлғувси...
Унинг ҳар гўшаси жаҳондир менга,
Тошлоқ йўллари ҳам равондир менга...
Мавжига ногаҳон кимдир тош отгай,
Зарби юрагимнинг тубига ботгай...
Гар сен дарё бўлсанг — ирмоғингдирман,
Лат есанг, оғриқли бармоғингдирман.

«Ҳикмат садолари», «Ҳаж дафтари», «Женева дафтари»га кирган туркум шеърларда, «Халқ», «Ватан», «Туркистон болалари», «Ўзбек бойининг баё-

ноти», «Бедорлик», «Олий неъмат», «Ўзбекистон асри» каби шеърларда Ватан мавзусининг янги қирралари очиб берилди, юртнинг корига яраган эзгу фазилатли инсонлар образи яратилди. Бу шеърларнинг мазмун-мундарижасини Ватан ва халқ шаънига мадҳия айтиш, мавжуд реалликни шунчаки таъкидлаш ташкил этмайди. Уларда жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган қадим юртнинг, «жонида бир гавҳар бор», қонида «иймон нури доимо оқиб турган», «каттакон йўлга чиққан» халқ кечмиши ва истиқболи манзаралари чизилади, масъулиятли бугунга хос хусусиятлар бадий гавдалантирилади, инсон ва жамият, инсон ва табиат мавзусидаги азалий ўйлар давом эттирилади. Истиқлолнинг қадрига етиш, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, ўтмиш сабоқларидан қатъий хулоса чиқариб, ниҳоят «оломонлик» психологиясини итқитиб ташлаб, ҳақ-ҳуқуқини, жаҳонаро қадрини таниган халқ бўлишга даъват, келажаги буюк Ўзбекистоннинг саодати унинг фарзандларининг яққаламлигида эканлиги ҳиссий-образли йўсинда ифодалаб берилади.

Виждондан айрилиб қолган фурсатда
Бошланар тож-тахтга ружу дафъатан.
Не-не зукко халқлар қолиб ғафлатда,
Тузғиб кетажакдир бутун бир Ватан...

каби мисраларда орзиқиб кутилган истиқлолни мустаҳкамлашга, яқдилликка, огоҳликка, ўзликни танишга, «урфони зўр миллат бўлиш»га, ўткинчи зеб-зийнатларга муккасидан кетишдан баланд туриб, «юрак жавҳари»ни асрашга, юксак маънавият эгаси бўлишга даъват янграйди,

она-юртнинг камоли учун юракдан куйинган бедор қалб ўртанишлари кечинмалар, чуқур умумлашмалар тарзида берилади.

Чуқур фалсафийлик, бутун бир шеърнинг вақт ва замон, инсон ва табиат муносабатлари замирига қурилиши, ҳар бир сатрда чатнаб турган тафаккур ёғдулари сингари шоирнинг бутун ижодига хос хусусиятлар тўқсонинчи йилларда ёзилган «Майна», «Буюклик», «Армон эмасми?», «Адолат», «Дунё», «Бир қарасам...» каби шеърларда изчил давом эттирилди.

Олис тарихнинг қайси бир даврини ёки юз йиллигини олмайлик, асрлардан ўтиб келаётган шеъриятимиз борлигидан гурурланамиз, газал мулкининг султони Навоий бобомиз етакчилигида мана мен деб ўзлигини намоён қилиб туради. Не ажабким, ўтган аср ҳам бундан мустасно бўлмади. Тақдир Чўлпону Ойбек, Абдулла Қодирийю Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби адабий сиймоларимиз қатори Чингиз Айтматов ибораси билан айтганда «давримизнинг буюк маданий аҳамиятга молик» Абдулла Ориповдек улкан ва ўзига хос истеъдод билан халқимизни сийлаганлиги ниҳоятда қувонарли ҳолдир.

«Шоир юраги» шеърида ижодкор қалби оламда юз бераётган барча ҳодисалар бир-бир ўтадиган кўприкка қиёсланади. Бу кўприкдан соғлар ҳам, беморлар ҳам, султонлар ҳам, қуллар ҳам, суйишганлар ҳам, бир-бирига ганимлар ҳам, нур билан зулмат, ўлим ва ҳаёт бир-бир ўтади. Шеърда ҳар бир чинакам шоир «инсоният кўприги»дан галма-гал ўтаётган одамлар дилидан кечаётган ҳистуйғуларни муҳрлашга масъулдир деган ғоя сингдирилган.

Абдулла Орипов истеъдодининг мўъжизавий қирралари, ўтган аср ўзбек шеъриятининг бўй-бастини белгилаб, уни янги ўзанларга буриб юборганлиги, ўзига хос феномени, кашфиётларга бойлиги, инсон кўнглини ёрқин рангларда очиб берганлиги, даврнинг юрак «зарб»ларини ниҳоятда аниқ ҳис қилганлиги ҳақида мунаққидлар кўп ёзишган. Булар ҳаммаси шоир шеъриятининг тўғри илғаб олинган нуқталари. Лекин шундай бўлса-да, шеъриятнинг асл миссиясидан келиб чиқиб бу шеър оламини бунчалар мукаррам этган фазилатлар ҳақида мулоҳазаларга чўмганда, энг аввало, Абдулла Орипов шеърияти парвозини тайинлаган жиҳатлардан бири, балким энг асосийси — бу самимиятдир деган ўй устунлик қилади.

Чунки мавзу қанчалик долзарб, муҳим ёинки санъаткорнинг маҳорати қанчалик юксак бўлмасин, замонасозлик руҳида битилган тумтароқ «тизмалар» бир кун келиб назардан қолиши аён гап.

Абдулла Орипов шеърияти учун энг аввал бошданоқ самимият, ростгўйлик хосдир. Шеър қайси мавзуда — Ватан, Ўзбекистон, унинг тарихи, буюк аждодларимиз ёки табиат, инсон умрининг ёрқин, нурли саҳифаларию унинг тошдек зил, ғуссаларга тўла қайғули онлари, турли хил кайфиятдаги ҳолатлари, муҳаббат изтироблари тўғрисида бўлмасин — бари-барида — мана шу самимият, рост сўз бўртиб туради, соф кўнгилдан тўкилган мисралар кўнгилларнинг мулкига айланади.

Мана шу самимият боис оддийгина гапдек туюлган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» де-

ган сўзлар Ватан шаънига айтилган мадҳиядек янграйди. Чунки сўзларнинг ич-ичида, томир-томирида ёлгон аралашмаган самимият, она юртга буюк муҳаббат туйғулари чатнаб туради.

Мана шу самимият, юракларнинг қаъридан отилиб чиққан рост сўз туфайли Абдулла Орипов олтмишинчи йилларда мудроқ вужудларни уйқудан уйғотиб, бугунги кунга келиб ўзбекнинг мумтоз шоирига айланди.

Шоирнинг ҳар бир шеърий тўплами маданий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлади. Муҳтарам ўқувчи, қўлингиздаги ушбу тўплам шоирнинг «Маънавият» нашриётида чоп этилаётган тўртинчи тўпламидир. Буларнинг ичида шоирнинг 1965 йилда нашр этилган қалдирғоч — «Митти юлдуз» тўпламининг факсимил наشري ҳам бор.

Шоирнинг барча энг яхши шеърлари сингари кейинги икки-уч йилда ёзилган ва мазкур тўпламдан ўрин олган тизмалар ҳам шеърият ихлосмандларининг кўнгил мулкига айланади деган умиддамиз. Китобни жам қилган шеърлар билан танишгач, такрор бўлса-да, шоир қайдларидан бирида, мен ҳамиша ўзим гувоҳ бўлган, бошимдан кечирган, мени тўлқинлантирган мавзуларни қаламга оламан, шеърга олиб чиқаман, деган фикрлар бежиз эмаслигига иқрор бўлиш мумкин. «Ўзбек нони», «Она юрт», «Ўн биринчи дур», «Иқрор», «Кўзтумор» сингари шеърларнинг ўзак томирини яна ўша ўлмас мавзу — она Ўзбекистон, она халқ тақдири, истиқболга қайғуриш, мустақил Ватаннинг жаҳонаро қад ростлашига чуқур ишонч руҳи устуворлик қилади:

Умр тугар балки, туганмас шода,
У инсон умридан фузун, зиёда.

Бу ҳурлик маржони қолмагай ярим,
Уни тўлдиради набираларим.

Индивидуаллик, хусусийлик билан умумийлик жипс чатишиб кетиши шоир шеърятининг айрича хусусиятларидан биридир. Қаламга олинган мавзу, объект биргина шоирга тегишлидек, айнаи замонда у умум учун ҳам хос, кўпчиликнинг ўю фикрлари, қарашлари, ҳис-туйғулари ифодаси эканлигини «Бўлдило», «Саҳарлик», «Оллоҳнинг ишлари», «Ёлғизлик», «Менинг ҳасратларим», «Икки қария» каби шеърлар мисолида кўриш мумкин.

Ўткир сатирик оҳанг шоир ижодининг белгиланган хусусиятлардан биридир. Китобдан ўрин олган «Ғалати мантиқ» шеърисида ижодининг дастлабки даврида ёзилган «Илғор ишчи ва чаққон мухбир қиссаси» шеърисидаги каби жамиятдаги иллатлар устидан аччиқ истеҳзо янграйди.

Ўз фикрини баён қилишда коинот унсурларидан, фазовий нисбатлардан фойдаланиш, самовотни ҳис қилиш, улкан чексизликдан туриб «она сайёра» жамолига назар ташлаш, ундаги қусурлардан мулзам бўлиш шоир ижодига доимо хос усул. «Бузилиб кетган жаҳон»да «одамзот чароғи» ўчмаслигига тавалло «Шамбала» шеърининг лейтмотивини ташкил этади. «Шоирлар ва юлдузлар» шеърисида йироқ юлдуздаги шоирга хаёлан мурожаат қилиш орқали мавҳумликдан аниқлик сари юз буради — бугунги кунда она сайёра кўксидаги оғриқли яралар изтиробидан безовталик қоғоз юзига тўкилади:

Оҳ, у содда шоир, билсин қаёқдан,
Гўзал бу сайёра синоатларин.
Мафтункор кўрингай тоқи равоқдан,
Яшириб ҳисобсиз жароҳатларин.

Унинг бағри буткул заққумга тўлиқ,
Инсон деган жонзот етган бошига.
Кўксидан таралар мунгли бир қўшиқ,
Тавалло қилар у ўз Қуёшига.

Учрашувлардан бирида шоир шеърятдаги образлилик ва баёнчилик тўғрисида сўзлай туриб, бир ёш шоирга образлиликда ҳикмат кўп эканлиги, умри узун шеърлар битишда образли ифоданинг ўрни бўлакчалиги, ҳар бир шоир бир йилда камида битта яшаб қоладиган шеър ёзишга ҳаракат қилиши лозимлигини уқтираётганлигининг гувоҳи бўлган эдим. Кимдир «бир ойда битта», деган эди, шоир қатъият билан «йўқ, бир йилда битта», дея такрорлади.

Албатта, ўзини ҳурмат қилган ҳар бир шоир ўз ижоди маҳсули умрбоқий бўлишини ният қилади, шунга уринади. Бироқ кўп йиллар, асрлар бўйи яшаб қоладиган, янги-янги авлодларнинг кўнгил мулкига айланадиган шеър яратиш ниҳоятда мушкул юмуш эканлиги аён гап.

Шунда беихтиёр, дейлик йиллар ўтиб, Абдулла Ориповнинг қайси шеърлари «яшаб қолар» экан, деган мулоҳазаларга бордим. Олтмишинчи йиллардаги юрак қони билан битилган кўпчилиги илк тўплам — «Митти юлдуз»га кирган шеърлар тақдири нима бўлади? Улар яшаб қоларми-кан?

Йиллар ўтар, шоирларнинг янги-янги авлодлари Ватан ҳақидаги ўз гапларини шеърга соли-

шар. Бироқ «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон», «Ўзбекистонда куз», «Баҳор», «Қарши қўшиғи» каби шеърлар ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмас. Чунки Ўзбекистонимиз, шу дилбар юртимиз, ўзбек халқи жаҳон айвонида бардавом экан, бу шеърларга сингган қалб ҳарорати ҳам асло ўз тароватини йўқотмагай.

«Она тилимга», «Тилла балиқча», «Муножот» ни тинглаб», «Уйқу», «Темир одам», «Сароб», «Авлодларга мактуб», «Биринчи муҳаббатим», «Муҳаббат», «Онажон», «Она сайёра», «Арманистон» каби ҳар бири воқеа бўлган, халқ қалбида акс-садо берган шеърлар-чи?

Ўтган асрнинг етмишинчи, саксонинчи, тўқсонинчи йилларида яратилган «Генетика», «Бир танишим ҳақида баллада», «Маломат тошлари», «Қўриқхона», «Оломонга», «Учинчи одам», «Хайрлашув», «Узлат», «Бир қарасам...» сингари (саноқни яна узоқ давом эттириш мумкин) турфа мавзулардаги, бироқ шеърхоннинг юрагига бориб етадиган, инсон қалби манзаралари ўзгалардан «қарз олинмаган» туйғулар оҳангида ўзига хос йўсинда чизиб берилган шеърлар-чи? Уларни авлодлар қандай қабул қилишаркан? Беназир истеъдод қалами остидан чиққан бу шеърлар келажак шеър мухлисларини бефарқ қолдирмас! Ахир мангулик ва ўлим, ҳаёт ва кураш ҳақидаги бу тизмалар бамисоли юракдан отилиб чиқиб, юракларга бориб етадиган, зоҳиран пинҳоний кечинмалар санъаткорона инкишоф этилган шеърлар-ку!

Шоирнинг донишмандона руҳда битилган, инсоннинг пинҳоний дардларини чуқур очиб

берган, фалсафийлик ва лиризм, туйғу ва фикр ажойиб тарзда қоришган, бир-бирини тўлдирган, хулласи, «шеър архитектуроникаси» гоят мукамал бўлган яна бошқа кўплаб шеърлари-чи?

Юракнинг энг теран қатламларидан сизиб чиқиб мингларнинг, миллионларнинг муҳаббатига сазовор бўлган, кўнглидан жой олган Абдулла Орипов шеъриятида оддий арифметик ҳисоб-китоб ҳам қирқ йиллик ижод давомида умри узун шеърлар фақат қирқта шеър билан чекланиб қолмаслигини, улар юзлаб эканлигидан гувоҳлик беради.

Шоир шеъриятини анвойи ва нафис гуллардан терилган гўзал шеър чаманзорига менгзаш мумкин. Бу гулзордан ҳар ким ўзига ёққан, кўнглига яқин гулни ахтариб топади, унинг муаттар бўйларидан баҳраманд бўлади, юрак чанқоғини қондиради.

Дониёр Бегимқулов

МУНДАРИЖА

«Бир қарасам...»	3
Ўзбеклар	4
Ҳамма гап шунда.....	8
Ватан учун яшайлик	9
Саҳарлик	10
Огоҳлик	11
Ота ва бола.....	12
Ватандош	13
Эътироф	14
«Муҳаббат ҳиссини...»	15
Бу юртнинг.....	16
Ёзгин, дедилар	17
Термизим	18
Муҳаббат	19
Санъатим	20
Бу йўллар	21
Яхши одам	22
Чала иморат	23
Зиёрат	24
Илтижо	25
Осон эмас.....	26
Ривоят.....	27
Қумсаш	28
Бўлдило	29
Адолат кўзгуси	30
Юпанч.....	31
Ғалати мантиқ	32
Оллоҳнинг ишлари	34
Яхшилик	35
Япон оҳанглари	36
Будда	37
Руҳият.....	38
Ибрат.....	39

Осакада ўзбек чойхонаси	40
Қумиқ билан суҳбат	41
Сайёҳлар	42
Севишганлар	43
Жонибек	44
Согинч	45
Мактуб	46
Тойчоқ	47
Қора юрак	48
Ёлғизлик	49
Мусофир	50
Ором	52
Ўзбек нони	53
Она юрт	54
Иқрор	56
Кўзтумор	57
Менинг ҳасратларим	58
Ажрим	59
«Ўзбекистон ҳаво йўллари» мадҳияси	60
Садоқат	61
Келинойи	62
Насиҳат	63
Яшил новда	65
Оллоҳ марҳамати	66
Эврилиш	67
Тавба	68
Шамбала	69
Бирдамлик	70
Англаш	71
Эътироф	72
Икки қария	73
Шоирлар ва юлдузлар	74
Тўртликлар	75
Қирқ биринчи усул. (Киноновелла)	99
Шукуҳди шеърят (Д. Бегимқулова)	101

665c

Адабий-бадиий нашр

АБДУЛЛА ОРИПОВ

КЎЗТУМОР

Тошкент «Маънавият» 2005

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи

Дониёр Бегимқулов

Муҳаррир У. Қўчқор

Рассом М. Аглямев

Техн. муҳаррир Т. Золотилова

Мусаҳҳиҳ Ш. Илҳамбекова

Компьютерда тайёрловчи А. Турсунов

Теришга 07. 01. 2005 й. да берилди. Босишга 03. 03. 2005 й. да рухсат этилди. Бичими 70x90/₁₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 4,39. Шартли кр. -отт. 4,69. Нашр т. 2,27. 3000 нусха. Буюртма № 19. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-уй. Шартнома 13-05.

«АКАДЕМ-ХИЗМАТ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Ўзбекистон проспекти, 45-уй. 2005.